Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 194 (20. 162) • **1988 йил 25 август,** • **пайшанба** • Баҳоси 3 тийин.

> Хўжаликнинг ҳақиқий асоси—озиқ-овқат фондидир... Давлат ҳокимиятида бундай фонд бўлмаса, бу давлат ҳокимияти ҳеч нарсага арзимайди. Бундай фонд бўлмаса, социалистик сиёсат фақат орзу бўлиб қолади.
>
> ***В. И. Ленин.***

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 24 август куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XI пленуми бўлди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Республика партия, совет ва хўжалик органларининг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорлари асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга доир долзарб вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзматов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси А. Искандаров, Тошкент область ижроия комитетининг раиси П. М. Абураҳмонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари Д. Н. Шамшетов, Жиззах область Мирзачўл район партия комитетининг биринчи секретари В. П. Скворцова, Фарғона область Ленинград районидаги «Социализм» колхозининг бригадири М. Эсонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди. В. А. Антонов Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри этиб тасдиқланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. КПСС Марказий Комитетининг инспектори қилаб тасдиқланган В. Н. Лобко Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Т. А. Алимов Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раиси этиб тасдиқланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилинди. В. А. Хайдуровнинг соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида берган аризасига мувофиқ у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилинди.

Илгари Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаган Д. Д. Берков яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайланди, Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитетининг биринчи секретари А. С. Ефимов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирининг ўринбосари Г. С. Огризкин, КПСС Марказий Комитетининг инспектори В. Н. Крихунов, КПСС Марказий Комитети секретарининг ёрдамчиси В. К. Онисовец, КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг сектор мудирлари Б. М. Истомин ва Г. М. Гибов, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев, СССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари В. И. Черноиванов, КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг инструктори Н. Г. Недželькин қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугатди.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ИЗИГА ЎТКАЗАЙЛИК

В. П. Никоновнинг Ўзбекистонда бўлиши

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов 22—24 август кунлари Ўзбекистонда бўлди. У Фарғона, Самарқанд ва Тошкент областларидаги бир қанча колхоз, совхоз ва агросаноат комплексларининг корхоналарига борди.

Қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашув ва суҳбатлар чоғида агросаноат ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш, уни ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларида ишлашга ўтказиш муаммолари атрофлича муҳокама қилинди. Оилавий, звено, бригада пудрати, ижара шароитида ишлашни кенг жорий этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Қува районининг «Коммунизм», Тошлоқ районининг «Фарғона», «Ленинград» колхозларида пахтакорлар билан учрашди. Пахта ҳосилинигина эмас, шу билан бирга оқсилга бой бўлган озуқа экинлари етиштиришни кўпайтириш имконини берадиган пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш (бундай алмашлаб экишни йўлга қўймай туриб, чорвачиликни янада юксалтириш мумкин эмас) тўғрисида гап борди, илм-фан ютуқларини кундалик практикага жорий этишда мутахассислар, хўжаликлар раҳбарларининг роли тобора ошиб бораётганлиги таъкидланди. Иштихон районидаги Энгельс номли колхоз далаларида маккажўхори ва соя экинларини аралаш етиштириш тажрибасига юқори баҳо берилди. Х. Ҳамроевнинг ижара звеноси бу йил ҳар гектар майдонда 80 центнердан маккажўхори ва 30 центнердан соя етиштирди. Ижарачиларнинг тажрибаси республикага кенг жорий этиш учун тавсия қилинди. Ўзбекистон ем-хашак етиштириш соҳасида катта имкониятларга эгадир.

В. П. Никонов Каттақўрғон районида йирик чорвачилик комплексининг иши билан батафсил танишди. Комплекс коллективи пудрат асосида ишламоқда ва новвос вазни қарийб 600 килограммга етгунича уларни сўқимга боқмоқда. Чорвадорлар комплексда тўла самара билан ва топширилган иш учун масъулиятни ҳис этиб ишламоқдалар, кўпгина коллективлар учун яхши намуна кўрсатмоқдалар. Шу ернинг ўзида қишлоқ кооперативлари раҳбарларидан бир группаси билан қорамолларни сўқимга боқиш ва сут етиштириш тўғрисида батафсил суҳбат бўлиб ўтди. Колхоз ва совхозларда, хўжаликлараро корхоналаридагина эмас, шу билан бирга кооперативларда, шахсий ёрдамчи хўжаликларда ҳам чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Ана шу мақсадлар учун пудрат ва ижарани кенг жорий этиш, янги ва илғор тажриба йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш тавсия этилди.

Анор етиштиришга ихтисослаштирилган «Анор» совхозида, «Пастдарғом» ва «Пахта» боғдорчилик-узумчилик совхозларида, Карл Маркс номли колхозда В. П. Никонов мева ва резавор мева етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш билан қизиқди. Раҳбарлар ва мутахассислар билан суҳбатда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий этишга, ҳосил нобуд бўлишини бартараф этишга, хўжаликларда омборлар, совутиш камералари, шунингдек тез бузилиб қоладиган маҳсулотни қайта ишлайдиган линиялар ва цехлар қуришни жадаллаштиришга эътибор қаратилди. «Пахта» совхозидаги Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиққан технология асосида ғўзапоядан пектин ишлаб чиқарадиган цех алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу технология озиқ-овқат корхоналари учун қимматли хом ашё тақчиллигини бартараф этиш имконини беради.

Марғилон шойи комбинатида раҳбарлар ва мутахассислар билан бўлиб ўтган суҳбатда колхоз ва совхозларда кооперация принциплари асосида пиллани дастлабки тарзда қайта ишлайдиган кичик-кичик цехлар ташкил этиш тўғрисида гап борди. Бу эса хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга хизмат қилган бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети секретарининг республика агросаноат комплекси меҳнаткашлари билан учрашувлари ва суҳбатлари чоғида қишлоқларни обод қилиш муаммоларига, барча социал масалаларни ҳал этишга ҳам кўп эътибор берилди.

Республика бўйлаб сафарда В. П. Никоновга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров ҳамроҳлик қилдилар.

24 август куни В. П. Никонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида нутқ сўзлади.

Шу куни В. П. Никонов Москвага жўнаб кетди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

Суратларда: В. П. Никонов Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги чорвачилик комплекси иши билан танишмоқда; Иштихон районидаги Энгельс номли колхоз пахтазорида.

Б. ЮСУПОВ фотолари (ЎзТАГ).

• *Пахта* СУРЪАТ ОШЯПТИ

Сурхон воҳасида бу йил ёз ўта иссиқ келиб, ғўза туплари зарур ҳароратни олгач, кўсаклар одатдагидан қарийб ўн кунча олдин очила бошлади. Область деҳқонлари пахтани танлаб теришни бошлаб юбордилар.

Теримга биринчи бўлиб киришган Жарқўрғон районидаги «Социализм», «Коммунизм» колхозларида бу ишга айниқса зўр уюшқоқлик билан киришилди. Тажрибали пахтакор Х. Абдуллаева бошлиқ бригада пайкалларида 20 августдаёқ теримчилар пайдо бўлди. Заршунослар кейинги уч кунда 3,5 тонна аъло сифатли ингичка толали пахта териб олдилар. М. Турсоатова, Ф. Жуманазарова каби теримчилар ҳозир кунига 100-105 килограммдан уруғлик ҳосил жамғармоқдалар.

Шунингдек, колхознинг Оқтепа массивида — қўриқ ва қумоқ ерларда жойлашган Ш. Жонназаров, А. Қамбаров, Х. Бердиқулов, Т. Бердиёровлар бошлиқ бригадаларнинг миришкорлари ҳам куни кеча теримга тушдилар. Коллективнинг С. Валиева, Ў. Тилавова, Ж. Чориева, Х. Мўминова, Т. Бозорова, У. Абдиева, Г. Эшонқулова, Н. Абдиева сингари чеварлари мусобақада пешқадам.

Колхозда сўнгги кунлар ичида 20 тоннадан зиёд уруғлик ипак пахта тайёрланди. Хўжалик аҳли 25 августдан бошлаб йиғим-теримни ёппасига бошлаб юборишга сўз берди. Ғўза дефолиацияси сентябрнинг дастлабки кунлариданоқ бошланиб, машина теримига 15 сентябрдан киришилади. Мақсад — зиммага олинган планни 15 октябргача тўла ва ошириб бажариш.

Шу кунларда областнинг Термиз, Гагарин, Шеробод, Ленин йўли ва Қумқўрғон районлари хўжаликларида ҳам пахтани танлаб териш авж олмоқда.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИНИ ТЕЗ ВА СОЗ ҲАЛ ЭТАЙЛИК!

•Сўз—тажрибакорларга

ДЕҲҚОН МАСЪУЛИЯТИ

Республикамиз пойтахтининг Карл Маркс кўчасида анъанавий байрам — қовун сайли ўтгани ҳақида матбуотда ўқиган бўлишингиз керак. Унда Сирдарё ва Жиззах области полизчилари етиштирган маҳсулотлар — ширин-шакар қовун-тарвузлар шаҳарликларга тортиқ этилди.

Шуниси қувончлики, сайлда бизнинг бригадамизда етиштирилган маҳсулотлар ҳам бор эди. Икки кун давомида 20 тоннадан ортиқ қовун сотдик. Кўпчилик шаҳарликлар маҳсулотларимизни татиб кўргач, бизга миннатдорчилик билдиришди. Жумладан, меҳнат отпускасида Тошкентга келган тюменлик инженер Алексей Завидинов ўз миннатдорчилигини қуйидагича изҳор қилди:

— Қовун сайлида бўлиш, менга қувонч бахш этди. Бундай ажойиб байрамни кўриш насиб этганидан беҳад шодман. Ўзимни Ўзбекистон диёрининг бепоён полизларида юргандек ҳис қилдим. Қовун-тарвузларнинг сershiралигини айтмайсизми? Шундай ноз-неъматларни етиштирган ўзбек деҳқонларига раҳмат...

Шундай пайтларда яйраб кетаркансан, киши. Зеро, етиштирган маҳсулотингни элга манзур қила олишдан кўра катта бахт йўқ. Лекин, эл эътирофи зиммамизга масъулият ҳам юклайди.

Бу йил хўжалигимизда пахта билан бирга полизчиликка ҳам эътибор беріляпти. Полиз экинларига унумдор ерлар ажратилди. Масалан, бизнинг бригадани олинг. 23 кишилик аҳил коллективимиз аъзолари турли миллат вакилларидан иборат. Ўзбеклар, турклар, қозоқлардан ташкил топган бригадамизда асосан полиз маҳсулотлари етиштирамиз. Ўзим эса озарбайжон миллатига мансубман. Ҳаммамиз бамисоли ака-укамиз.

Бу йил 80 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. Бу ерларга илгари беда экиб келинганди. Шундай бўлса ҳам ерларни маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирдик. Суғориш режимига алоҳида эътибор бердик. Палагини кам сув қилиб ўстирганимиз, маҳаллий ўғитлардан оқилона фойдаланганимиз қўл келди. Полиз экинлари беда билан алмашлаб экилса, яхши самара бераркан.

Маълумки, қовуннинг кушандаси кўп. Унга шўрланиш, оқпалак, илдиз чириш ва бошқа касалликлар ҳуруж қилади, турли ҳашаротлар босади. Буларнинг ҳаммаси агротехника қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юз беради албатта. Вақтида культивация ўтказмаслик, зараркунандаларга қарши дориламаслик, сувдан қолдириш, бегона ўтларни йўқотмаслик шундай ҳолга олиб келади.

Коллективимиз аъзолари билан бу йил 10 гектар майдонга қовуннинг «оқ уруғ» навини экиб, мўл ҳосил етиштирдик. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 180 центнердан маҳсулот олдик. Ҳали далада ҳосил кўп. Биз ҳосилдорликни 220 центнерга етказишни мўлжаллаяпмиз. 5 гектар майдонга экилган «қирқма» навли қовунларимиз ҳам яхши ўсяпти. Бу — кузда мўл ҳосил олишимиздан нишона. 65 гектар ердаги «Ўзбекистон», «Қўзивой» навли тарвуз экилган пайкалларда парваришни кучайтираяпмиз. Мақсадимиз — эл дастурхонига қишда ҳам сақлаш мумкин бўлган неъматларни кўплаб етказиб бериш.

Анъанавий қовун сайллари кўпчиликка манзур бўлаётир. Лекин биз, деҳқонлар шу нарсага ажабланамизки, сайлда қовун-тарвуз етиштираётган полизчиларнинг ўзлари қатнашмади. **Мутасадди ташкилотлар, яъни «Ташплодоовошчпром» ва «Райпишчеторг»ларнинг раҳбарлари маҳсулот етиштирган деҳқонларни ҳам сайлга таклиф этсалар, айни муддао бўларди.** Шунда улар бирбирлари билан ўзаро маслаҳатлашиб, мўл ва сифатли маҳсулот етиштириш юзасидан фикрлашиб олишарди, тажрибаларини баҳам кўришарди.

Яна битта гап. **Биз бугунги кунда эл дастурхонига янги узилган қовун-тарвузларни етказиб беришнигина эмас, қовун қоқи, шарбат, қиём тайёрлашни янада яхшилаш ҳақида ҳам бош қотирмоғимиз керак. Шунинг учун ҳосилни қайта ишловчи корхоналарни янада кўпайтириш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш зарур.** Серқуёш диёримизда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилса, халқимизга қиш даврида ҳам ана шундай ширин-шакар маҳсулотлар кўплаб етказиб берилган бўларди.

Одилжон СОДИҚОВ,
Ильич районидаги «Партия XXV съезди» совхози полизчилик бригадаси бошлиғи.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Косонсой районидаги «Ўзбекистон» совхози чорвадорлари бу йил давлатга 46 тонна гўшт, 525 тонна сут, 50 минг дона тухум сотиш мажбуриятини олиб ишламоқдалар. Хўжаликда чорвачилик зарбдор соҳа, деб эълон қилинган. Тармоққа совхознинг ташаббускор, тиришқоқ, жонкуяр кишилари юборилаяпти.

— Маҳсулотнинг кўпайиши, таннархнинг арзонлашиши озуқага боғлиқ, — дейди совхоз директори Рустамжон Мамадалиев. — Бу йил озуқа майдонларини бир ярим бараварга кенгайтирдик. 254 гектар жойда беда (бунинг 100 гектари янги беда), 6 гектар ерда қизилча, 160 гектар майдонда маккажўхори (70 гектари дон учун) экилган. Ҳар гектар ердан қарийб 200 центнердан беда, 500 центнердан қизилча, 250 центнердан силосбоп кўк масса етиштиришни мўлжаллаганмиз.

Хўжаликда ем-хашак етиштирувчи 2 бригада тузилган. Уларга Холмирза Исоқов билан Абдуқаюм Атторов бошчилик қилади. Ерлар пудратчи коллективларга биркитиб қўйилган. Айниқса, бошоқли дон экинларидан баракали хирмон кўтарилди. Пландаги 230 тонна ўрнига 265 тонна дон олинди. Унинг 130 тоннаси давлатга сотилди. Шунингдек, 2050 тонна сомон ҳам ғамлаб қўйилди.

— Бу йил 1140 тонна дағал хашак жамғаришни кўзда тутганмиз, — дейди бригада бошлиғи Х. Исоқов. — Ҳозиргача 1200 тонна тўйимли чорва озуқаси тўпладик. Силос учун экилган 90 гектар ерда маккажўхори ўрими жадал боряпти. Бу ишда Муҳаммаджон Рашидов, Файзулло Дўсматов, Комилжон Шарипов каби механизаторлар барчага ўрнак. Ҳар гектар ердан ўртача 240 центнердан силосбоп кўк масса ўриляпти.

Совхозда беданинг тўртинчи ўрими давом этмоқда. Уч ўримдаёқ адир шароитида 120 центнердан ошириб озуқа жамғарилди. Ҳар ўтоқдан сўнг бедазорларга сифатли ишлов берилаётгани ўсимлик ривожини тезлаштиришга ёрдам беряпти.

А. ҚОРАБОЕВ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети «Аҳолига пуллик хизмат соҳасини тубдан қайта қуриш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорнинг лойиҳаси КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумида маъқулланган эди.

Қарорда СССР Министрлар Совети шуни қайд этдики, партия XXVII съездининг талабларига мувофиқ иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий совет органлари, министрликлар ва идоралар хизмат соҳасини ривожлантириш масалаларига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ўстириш суръатлари ошди, уларнинг тури кўпайди.

Бироқ пуллик хизматлар соҳаси ҳали ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлиб, секинлик билан ривожлантирилмоқда. Аҳолининг пуллик хизмат кўпгина турларига бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилмаяпти, истеъмол харажатларида бундай хизмат турларининг улуши пастлигича қолмоқда. Мамлакат регионлари, шаҳар билан қишлоқ ўртасида хизматлардан фойдаланишда катта тафовутлар ҳали ҳам мавжуд.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар олдига замонавий моддий-техника базасини вужудга келтириш, корхоналар ва бирлашмалар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасини хизмат кўрсатишга жалб этиш, кооперативларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш, пуллик хизмат соҳасида хўжалик механизмини такомиллаштириш, корхоналар ва бирлашмаларнинг аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятига хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларини кенг жорий этиш, меҳнат коллективларининг, кооперативларнинг ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг ташаббусига тўсқинлик қилаётган асоссиз чеклашларни бартараф этиш асосида пуллик хизмат соҳасини қайта қуриш, уни ривожлантиришни кескин жадаллаштириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш вазифаси қўйилди.

Аҳолининг хилма-хил хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжлари қондирилиши учун халқ депутатлари Советларининг роли ва масъулиятини кучайтириш кўзда тутилган. Шаҳар билан қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган маиший хизмат даражаларидаги тафовутларни бартараф этишга алоҳида эътибор бериш мўлжалланади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, СССР министрликлари ва идораларига қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич ҳал этиш топширилди:

1990 йилгача — 1986 — 2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасига нисбатан аҳолига кўрсатилаётган пуллик хизмат ҳажмини ҳар йили 15 — 20 процентдан ошириб, 1990 йилда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажми 72,4 миллиард сўмликка етказилсин, аҳолининг барча қатламлари тақчил бўлмаган хизматлардан бемалол фойдаланиши таъминлансин;

Ўн учинчи беш йиллик охиригача, аҳолининг пуллик хизматга бўлган эҳтиёжи асосан қондирилсин, бундай хизматлар ҳажми 1995 йилда 119,2 миллиард сўмгача етказилсин, шу асосда аҳолининг истеъмол харажатлари структураси анча яхшиланиб, улардаги пуллик хизмат улуши 19 процентга қадар оширилсин.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш планларининг лойиҳаларида маиший ва соғломлаштириш хизматларини, шунингдек туризм, дам олиш, ҳордиқ чиқариш ҳамда кўп талаб қилинаётган бошқа хизматларни устун даражада ривожлантиришни кўзда тутиш мўлжалланади.

Хизматларнинг конкрет турларини ривожлантиришнинг бош вазифалари белгиланди.

1995 йилда маиший хизмат ҳажмини 1987 йилга нисбатан 2,3 баравар ошириш кўзда тутилган. Уй-рўзғор ишларида меҳнат сарфини камайтиришга кўмаклашувчи хизматлар (кир ювиш, буюмларни химиявий тозалаш, кийим-кечак ремонти ва бошқа иш турлари) ривожлантирилади. Турар жойларни (квартиралар, уйларни) ремонт қилиш ва қуриш, боғдорчилик ширкатлари учун иморатлар, аҳолининг буюртмалари бўйича гаражлар ва бошқа иморатлар барпо этиш соҳасидаги хизматларни 1989—1990 йилларда ҳар йили камида 30 процентдан ошириб бориш, ўн учинчи беш йиллик охирида эса аҳолининг шу хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш назарда тутилади. Техника хизмати станцияларининг тармоғини кенг ривожлантириш, улардаги иш сменасини кўпайтириш, бундай хизматларни автотранспорт корхоналарида, автозаправка станцияларида, кооператив гаражларда ва машиналар қўйиладиган жойларда бажаришни ташкил этиш асосида аҳолининг транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва ремонт қилишга бўлган талабини асосан қондириш мўлжалланган. 1990 йилдаёқ аҳолининг барча шаҳарларда, район марказларида, совхоз ва колхоз қўрғонларида юк ташиш хизматига бўлган талаб-эҳтиёжлари батамом қондирилади, шу мақсадда шартнома асосида умум фойдаланишдаги транспорт билан бир қаторда идораларнинг автомобиль транспортини жалб этиш назарда тутилмоқда. Ер участкаларига ишлов бериш ва ўғит солиш, ўсимликларнинг зараркунандаларига ва касалликларига қарши кураш, кичик механизация воситаларини ҳамда боғдорчилик-полизчилик анжомларини ижарага бериш каби ва бошқа хизмат турларини жадал ривожлантириш кўзда тутилган.

Туризм, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажмини 1995 йилда 1987 йилга нисбатан 3 баравар кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди. Шу мақсадда санаторий-курорт муассасаларининг, дам олиш уйларининг, пансионатлар ва бошқа соғломлаштириш муассасаларининг, шунингдек меҳмонхоналар, кемпинглар ва мотелларнинг (жумладан идораларнинг) мавжуд моддий базасидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш кўзда тутилган жумладан мазкур муассасаларнинг иш мавсуми анча узайтирилади. Янги соғломлаштириш муассасалари қурилиши, биринчи навбатда ота-оналарнинг болалар билан дам олиши учун шундай муассасалар қурилиши ҳам кенгайтирилади.

1988—1989 йилларда мамлакатнинг барча курорт зоналарида дам олиш ва даволаниш учун йўлланмасиз келувчи гражданларга комплекс хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этиш вазифаси қўйилди. Бу гражданларни озиқ-овқат, уй-жой, транспортга билетлар, маданий-экскурсия тадбирлари билан ана шу ташкилотлар таъминлайди. Аҳолининг дам олишини ташкил этиш учун хусусий уй жой фондидан ва бошқа турар жой биноларидан кенг кўламда фойдаланиш мўлжалланади.

Маиший хизмат пунктларини, хўжалик ҳисобидаги даволаш кабинетларини ташкил этиш, пуллик маданий-оммавий ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш асосида дам олувчиларга йўлланма қийматига кирмайдиган қўшимча пуллик хизмат кўрсатиш кўпайтирилади. Шаҳар ва район маданий-спорт комплексларини, ёшларнинг маданият марказларини ва ҳордиқ чиқариш марказларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Жисмоний тарбия, спорт ва соғлиқни сақлаш соҳасида бепул хизмат кўрсатиш билан бир қаторда пуллик хизматни анча кенгайтириш учун шарт-шароит яратиш мўлжаллаб қўйилган. Спорт иншоотлари тармоғини кенг ривожлантириш, пуллик секциялар, группалар, спорт клубларини, хўжалик ҳисобидаги «Физкультура ва саломатлик» бирлашмаларини ташкил этиш асосида физкультура ва спорт муассасаларининг хизмат ҳажмини кўп карра ошириш лозим бўлади. Шу мақсадда корхоналар ва бирлашмаларнинг, спорт жамиятларининг, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, маданият ва истироҳат боғларининг, дам олиш уйлари ва базаларининг, санаторийлар ҳамда бошқа ташкилотларнинг стадионлари, бассейнларидан, спорт заллари ва иншоотларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилсин.

Медицина, тиббий-социал ва соғломлаштириш хизматларини кенгайтириш, хўжалик ҳисобидаги консультация-диагностика ҳамда стоматология поликлиникалари ва бўлимлари, наркология амбулаториялари ва кабинетлари, косметология шифохоналари ва соғломлаштириш комплекслари, доимий парваришга муҳтож кишилар учун пансионатлар тармоғини ривожлантириш назарда тутилган. 1995 йилда пуллик медицина хизмати ҳажми 1987 йилга нисбатан 4 баравар оширилиши кераклиги белгилаб қўйилган.

1995 йилда аҳолига кўрсатиладиган алоқа соҳасидаги хизмат ҳажмини 1987 йилга нисбатан 2,1 баравар кўпайтириш мўлжалланган. Телефон алоқаси хизматини устун даражада ривожлантириш кўзда тутилади: 1995 йилда ҳар икки оиланинг бирини телефон билан таъминлаш вазифаси қўйилган.

Абонентларга социал-маиший масалалар ҳамда бошқа масалаларга доир справкаларни берувчи пуллик справка-ахборот хизматлари тармоғини, шунингдек нотариал конторалар ва юридик консультациялар тармоғини анча кенгайтириш; замонавий ҳисоб техникаси воситаларини қўлланиш билан турар жой майдонини алмаштириш вариантларини танлашда аҳолига хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни зарур миқдорда тузиш лозим бўлади.

СССР Темир йўллар министрлигига, СССР Граждан авиацияси министрлигига, СССР Денгиз флоти министрлигига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига аввало мамлакатнинг саноат регионларини курорт зоналари ва туризм марказлари билан боғловчи линияларда пассажир ташиш ҳажмларини биринчи навбатда кўпайтиришни кўзда тутиш, 1990 йилдаёқ аҳолининг шундай ташишларга бўлган талаби асосан қондирилишини назарда тутиш; вокзалларда, аэропортларда, денгиз ва дарё портларида, тўхташ пунктларида ва йўлда пассажирларга қўшимча қулайлик ва шинамлик яратувчи пуллик хизматларнинг ҳар хил турлари кўрсатилишини уюштириш, билетлар сотиш ташкил этилишини яхшилаш вазифаси топширилди.

СССР Чет эл туризми давлат комитетига ажнабий туристларга кўрсатиладиган хизматни яхшилаш билан бир қаторда совет гражданларига хизмат кўрсатиш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш ва уларга 1990 йилда 416 миллион сўмлик ва 1995 йилда 770 миллион сўмлик ҳажмда пуллик хизмат кўрсатишни таъминлаш тавсия этилди.

СССР Алоқа воситалари саноати министрлигига, СССР Радио саноати министрлигига, радиоэлектрон аппаратлари ва мураккаб рўзғор техникаси тайёрловчи бошқа министрликларга радиоэлектрон аппаратлар ҳамда мураккаб рўзғор техникасига фирма техник хизмати кўрсатувчи ва ремонт қилувчи ихтисослаштирилган техник-савдо ва техника марказлари кенг тармоғини вужудга келтириш ишларини кучайтириш, тайёрловчи корхоналар ишлаб чиқараётган рўзғор аппаратлари ва техникасини ундан фойдаланиш гарантия муддати мобайнида ҳам, шунингдек бу муддат тугагандан кейин ҳам техникавий хизмат кўрсатиш ва ремонт қилишга ана шу корхоналарнинг ҳаммасини жалб этиш, қишлоқ аҳолисига қарашли радиоэлектрон аппаратлар ҳамда мураккаб рўзғор техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уни ремонт қилишни ташкил этишни анча яхшилаш чораларини амалга ошириш ҳисобига, шартномаларга асосан иттифоқдош республикалар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари системасининг корхоналари билан баҳамжиҳат иш кўриш асосида радиоэлектрон аппаратлар ва мураккаб рўзғор техникасига фирма техник хизматини ҳамда уларнинг ремонтини жадал ривожлантиришни таъминлаш топширилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига ўз қарамоғидаги территорияда радиоэлектрон аппаратлари ва мураккаб рўзғор техникасига фирма техник хизматини ҳамда уларнинг ремонтини ташкил этишда зарур ёрдам бериш, шу мақсадлар учун ишлаб чиқариш биноларини барпо этиш ва ажратиб бериш билан боғлиқ масалаларни оператив равишда ҳал қилиш тавсия этилди.

СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига аҳолига пуллик хизмат соҳасини бутун чоралар билан ривожлантириш борасида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш, бунинг учун давлатнинг марказлаштирилган тартибдаги капитал маблағи ажратилиши билан бир қаторда бирлашмалар, корхоналарни, колхозлар ҳамда бошқа кооператив ташкилотларни ривожлантириш фондларининг маблағларини, СССР банкларининг кредитларини, аҳоли маблағларини, шунингдек бошқа манбаларнинг маблағларини белгиланган тартибда жалб этиш, пуллик хизмат соҳаси объектларини барпо этиш ҳамда уларни ишлатиш учун бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини кооперациялаш; санаторийлар, дам олиш уйлари, спорт иншоотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, пуллик хизмат соҳасининг бошқа объектлари қурилишида хўжалик усулини кенгайтириш, бу ишда илғор меҳнат коллективлари орттирган тажрибадан фойдаланиш тавсия этилди.

(Давоми учинчи бетда).

• Ҳисобот ва сайлов: XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси позицияларидан туриб

ДЕМОКРАТИЯ, ОШКОРАЛИК КЎПРОҚ БЎЛСИН

РЕСПУБЛИКА КОММУНИСТЛАРИ ҚИЛИНГАН ИШЛАРГА БАҲО БЕРИБ, ЭРТАНГИ РЕЖАЛАРНИ БЕЛГИЛАР ЭКАНЛАР, ПАРТИЯНИНГ БУ ТАЛАБИНИ ТУЛА ДАРАЖАДА ҲИСОБГА ОЛИШЛАРИ КЕРАК

Бу йил партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бир мунча бошқачароқ ўтмоқда. Гап бундай ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар билан биргаликда партиясизлар ҳам актив иштирок этаётганлиги, улар партия ташкилотларининг ишига баҳо беришга интилаётганлиги, ўз ўртоқлари ҳақиқатан ҳам меҳнат коллективининг авангарди бўляптиларми ёки йўқми, деган фикрни билдираётганлигидагина эмас. Демократиялашнинг чуқурлашиб бораётган жараёни ҳозирги пайтда коммунистларга қуйи ташкилотлар йиғилишлариданоқ партиянинг сайлаб қўйиладиган турли органларига ўз номзодларини кўрсатишни бошлаш имконини бермоқда. Бу эса шунга олиб келадики, бошланғич ташкилот партия комитетини тузишда унинг составига комитет состави имкон берадиганга қараганда анча кўпроқ коммунист даъвогар бўла олади. Йиғилишларда, эҳтимол уларнинг олдидан албатта жиддий мунозаралар бўлиб ўтади, номзодлар қизғин муҳокама қилинади.

Бу эса баъзи-бировларни чўчитмоқда: улар бу анархия эмасми, капиталистик сайловолди кураши кўриниши эмасми, демоқдалар. Аммо кўпчилик коммунистлар расмиятчилик учун ўтказиладиган сайловнинг эмас, балки номзодлар орасидан танлаб олиш мумкин бўлган ҳақиқий сайловнинг зарурлигига тўғри баҳо бермоқдалар. Партия ташкилотларидаги энг катта иллат — коммунистларнинг пассивлигидир деган фикр тобора кўпроқ айтилмоқда. Бундай қусурдан халос бўлиш учун ташкилотларга чинакам, жанговар «комиссарлар», бутун коллектив орасида энг кўп таъсирга ва обрў-эътиборга эга бўлган кишилар бошчилик қилиши керак.

Ҳозирча ҳали ҳамма жойда ҳам бунга эришишга муваффақ бўлинмаяпти. Бунинг асосий сабаби — бартараф этилмаган қолоқликдир. Бир қанча ҳисобот-сайлов йиғилишларида бўлган ЎзТАГ мухбирларининг хабарлари ана шундан далолат беради.

ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИШ ШАРТМИДИ?

✦ Фарғона тўқимачилик комбинати тайёрлов бўлимининг биринчи сменаси партия группаси ташкилотчиси абрбанд Анвар Аҳмадалиев қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот бера бошлаганида ЎзТАГ мухбири В. Татаринов соатига бир қараб, вақтни белгилаб қўйди. Орадан роппа-роса 2 минут ўтганидан кейин доклад тугади. Бундай лўнда ҳисоботга бошқа вақт бўлганида суюнса арзир эди, лекин ҳозир, наҳотки, таҳлилга арзигулик бирон-бир гап бўлмаса, деган савол туғилди.

Аҳмадалиевдан кейин яна бир партия группаси ташкилотчиси, тўқувчи Галина Юнусова гапирди... Унинг ҳисоботи 2 минутдан ҳам камроқ бўлди. Аммо бу ҳам йиғилиш «ажойиб» тарзда ўтганлигининг ягона намунаси эмас.

Техникавий газламалар ишлаб чиқариш корхонасига қарашли тўқув цехи ва тайёрлов бўлимидаги икки партия группаси ҳисобида турган 28 нафар КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидатлардан ярмидан кўпи йиғилишда қатнашмади. Агар қатнашмаслик сабаби касаллик ёки меҳнат отпускаси туфайли бўлса ҳам, бундай йиғилиш ваколатлими, ахир? Юқори партия органининг вакиллари бунга жавоб беришлари лозим бўлади.

Аммо шунга қарамай, йиғилиш бўлди. Тўқув цехи биринчи сменасининг коллективи етти ой мобайнида планни бажармади, 24,5 минг метр кирза кам тўқилди, тайёрлов бўлимининг биринчи сменаси эса истеъмолчилардан 19 тонна калава қарздор бўлиб қолди. Аммо ана шундай аҳвол сабаблари докладларда танқидий нуқтаи-назарлардан таҳлил қилинмади, коммунистлар қайта қуриш учун, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини муваффақиятли бажариш учун қандай курашаётганликлари ҳақида партия группаси ташкилотчилари оғиз очишгани йўқ. Раҳбарларнинг мужмал ҳисоботлари туфайли коммунистлар йиғилишда актив иштирок этишмади.

Бир қадар сукунатдан кейин докладларни муҳокама қилиш бошланди. Аммо нутқларда ҳам танқид ва амалий таклифлар кам бўлди. Тайёрлов бўлими бошлиғининг ўринбосари Л. Ибодуллаева ва тўқув цехи бошлиғи Т. Пошелюзнойнинг сўзлари истисно бўлди. Бу нутқларда коммунистларнинг иш учун ташвишлари ифода этилди. Улар коммунистларга, ишда бракка йўл қўяётган, смена топшириқларини бажармаётган барча ишчиларга талабчанликни ошириш лозимлигига диққат-эътиборни қаратдилар, қайта қуриш учун амалда курашаётган илғор ишчилар ва фаол жамоатчиларни КПСС сафига қабул қилиш ҳисобига сменада партия аъзолари сонини кўпайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Сўзга чиққан бошқа кишилар партиявий иш тўғрисида гапиришгани йўқ.

Аслида партия группаси ишламаган, аммо... партия группаси ташкилотчиларидан Г. Юнусова ва А. Аҳмадалиевнинг ҳисобот давридаги иши қониқарли, деб топилди. Турғунлик даврида нимаики таклиф этиладиган бўлса, ўйлаб-нетиб ўтирмай овоз берилаверар эди. Наҳотки, бу гал ҳам шундай бўлса?!

Бунинг устига, коммунистлар эндиликда ягона группага бирлашган партия группаси ташкилотчиси этиб Галина Юнусовани, унинг ўринбосарлигига Анвар Аҳмадалиевни сайладилар. Хуллас, илгари қандоқ бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлаверади, қайта қуриш, деб бошимизни айлантираверманг...

ҲАММАСИ — МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКДАН

✦ Агрономия бўлими партия группаси ташкилотчиси М. Орипов ўзининг ҳисобот докладида Сирдарё областидаги Руцкий номли совхоз коллективининг хўжалик фаолиятини миридан-сиригача, пухта таҳлил қилиб чиқди. Партиявий юмушлар ва муаммолар хусусида бир оғиз ҳам гапирмади, гўё группа коммунистларини ҳеч қандай масала ташвишга солмаётгандек.

Коммунистлар етакчиси тилга олган рақамлар ҳеч кимни хурсанд қилмади, албатта. Совхоз кўпгина план топшириқларини бажармаяпти, ўтган йилги 1 центнер пахтанинг таннархи пландагига нисбатан 10 сўм қимматга тушди, бу йил ҳам аҳвол ўзгармади, чоғи... Совхоз коллективининг кўп йиллардан буён давом этиб келаётган бундай аҳволини «бошини бутласанг, оёғида йўқ, оёғини бутласанг, бошида йўқ» нақли билан изоҳласа бўлади.

Хўш, коммунистлар ана шу аҳволни жиддий таҳлил этсалар бўлмасмиди? Йиғилишда қатнашаётган партия группасининг аъзолари (уларнинг ҳаммаси хўжалик мутахассислари) ҳосилдорлик учун ҳам, таннарх учун ҳам, совхозда меҳнатни ташкил этиш учун ҳам бевосита жавобгар бўлган кишилар наҳотки, юқоридаги рақамларни биринчи бор эшитишаётган бўлса, ҳамонки, аҳвол шундай экан, қандай хулосалар чиқарилди? Докладда бу ҳақда бир оғиз ҳам айтилгани йўқ.

Адолат юзасидан шуни таъкидлашимиз лозимки, сўзга чиққан коммунистлар очиқ-ойдин гапириб, кўпроқ таҳлилга зўр бердилар. Тўғри, саволлар кўп бўлди. Масалан, катта агроном Г. Красникова қуйидаги мисолни келтирди: совхоз бу йил картошка уруғини кеч олди, оқибатда картошка етиштириш кескин камайиб кетди. Совхознинг бош агрономи, коммунист Т. Ҳакимов лавозимига кўра бу ҳақда жон куйдириши керак эди, лекин у бепарволик қилди. Партия группаси ана шу нуқсонларга қандай муносабатда бўлди, нима учун коммунистлар раҳбардан ҳисобот сўрашмади? Гарчи саволлар берилган бўлса ҳам ҳеч ким жавоб беришга шошилаётгани йўқ, ҳамма иллат ана шунда. Агар оддий ходим ишга масъулиятсиз қараса, уни қаттиқ терграб қўйишган бўлур эди. Аммо бош агрономни партиявий жавобгарликка тортишга ҳеч кимнинг юраги дов бермаяпти.

Бу саволлар йиғилиш аҳли учун ноқулай эди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам мажлис аҳли аста-секин бошқа мавзуларга кўча бошлади. «Юқоридан туриб планни тиқиштиришмоқда...», «РАПОда масъулиятсиз одамлар ишлашяпти...», «Район ташкилотлари ёрдам бериш ўрнига фақат халал беришяпти...» Бизда айрим нуқсонлар бор, лекин ташқи сабаблар бундан ҳам кўпроқ, шу боисдан ҳам уларни фош этишимиз керак, қабилида иш тутиш жуда соз-да. Нима ҳам дердик. РАПОда ҳам, бошқа ташкилотларда ҳам катта-катта камчиликлар тўлиб-тошиб ётибди. Лекин шуни рўкач қилиб, хўжаликнинг ўзидаги муаммоларни муҳокама қилмаслик керакми? Совхоз агрономия бўлимининг коммунистлари ҳанузгача ҳам коллективнинг чинакам етакчисига, қайта қуришнинг муросасиз жангчиларига айланишгани йўқ, уларнинг обрў-эътибори ҳам баланд эмас. Шундай экан, бўлимдаги партия аъзолари бунинг сбабларини ўз иш усуллари ва методларидан қидиришлари керак.

Неча юзлаб деҳқонлар ишлайдиган коллективнинг чинакамига иш бошиси бўлиш учун партия группаси ўз ишида нималарни ўзгартириши зарурлиги йиғилишда аслида муҳокама қилинмади. Демак, яқин орадаги истиқбол вазифалари ҳам белгиланганни йўқ. Бундан чиқадики, илгари қандоқ ишлашган бўлса, бундан буён ҳам шундай ишлайверишар экан-да. Масъулиятсизлик бор эди — бўлаверади. Коммунистлар маъмурий методларни қўллаган эдилар — яна қўллайверадилар. Гўё XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси бўлмагандек, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми муҳим қарорларни қабул қилмагандек.

Коммунистлар агрономия бўлимида ҳеч нарса ўзгармаслигини тасдиқлагандек, М. Ориповни яна ўзларига раҳбар қилиб сайлашди. Наҳотки, буни пухта ўйланган, масъулиятни ҳис этиб чиқарилган қарор, деб бўлса?

ОДАМЛАР КЎЗ ЎНГИДА

✦ «Узстроймеханизация» трестининг ихтисослаштирилган механизация бошқармаси тарихида биринчи бор коммунистлар ҳисобот-сайлов йиғилишини очиқ ўтказишаётган эди. Ҳамонки, XIX партия конференцияси мажлислари деярли тўлалигича телевидение орқали кўрсатилган экан ва ушбу анжуманга партиясизлар ҳам таклиф қилинган экан, Олмалиқда ҳам яшириб-нетиб ўтирадиган нарсамиз йўқ.

Цех партия ташкилоти секретари Е. Красноярцевнинг ҳисобот доклади йиғилишга руҳ киритди. Бу йиғилишдан илгари эса учта партия группасида ҳисобот ва сайловлар ўтказилган эди. Ушбу группаларда ҳам рўйрост, дангал, партия конференцияси руҳида, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида гапиришди. Шу боисдан ҳам бошқарма коммунистларининг йиғинида ҳам муваффақиятлар ҳақида камроқ, қилинмаган ишлар хусусида кўпроқ гапиришди.

Е. Л. Красноярцев уч йиллик иш тўғрисида, нафсиламбирига айтганимизда, ҳозирги беш йиллик ҳақида ҳисобот бераётган эди. Агар рақамларга қараб фикр юритадиган бўлсак, ҳамма иш жойида: қолоқликдан чиқилган, барча бўлинмалар ўз ишини қайта қурмоқда. Аммо, ҳар қалай, цех партия ташкилоти ишини партия талаблари, мамлакатимизда ҳозир содир бўлаётган жараёнлар билан қиёслаб кўрадиган бўлсак, ягона тўғри хулоса шуки, жадалроқ ишлаш керак, муаммоларга янгича ёндашувларни қидириш ва топиш, янги резервларни ишга солиш керак. Ана шу фикр докладга сингиб кетган эди.

Бошқарма ихтиёрида мураккаб қурилиш техникаси бор. Бу техниканинг вазни ҳам оғир. Коллектив ҳар қандай инженерлик иншоотлари бунёд этиш учун пойдевор ҳозирлайди. Бу йилги қурилиш программаси жуда тиғиз, шерикларнинг қўлини тўсмаслик учун техника аниқ-пухта, «доғда қолдирмай» ишлаши керак. Интизом, тартиб бўлиши керак, албатта. Шу боисдан ҳам йиғилишда оддий механизаторлар ҳам, раҳбарлар ҳам танқид қилинди. Сўзга чиққан айрим ўртоқлар қайта қуришга ҳалал бераётган, коллективни орқага тортаётган кишилар ишига партиявий баҳо беришни ҳам талаб қилишди.

Коммунистларни аттестациядан ўтказиш, партияга қабул хусусида сўзлашди. Уч йил ичида атиги 6 киши партияга қабул қилинибди. Ахир, бошқармада муносиб кишилар кўп-ку, деб таъкидлашди нотиқлар. КПСС Марказий Комитети Тошкент партия ташкилотининг иши тўғрисида қабул қилган қарор руҳида партияга танлаш ва қабул қилиш ишида тубдан ўзгаришлар қилиш талаб этилади.

Йиғилишда коммунистлар қатори партиясизлар ҳам сўзга чиқишди. Иқтисодий, соф партиявий масалалар билан бир қаторда социал муаммолар ҳам кўндаланг қилиб қўйилди. Ҳозир 70 киши квартира олиш учун навбат кутиб турибди. Уй-жой муаммосини келгуси йилнинг ўзидаёқ ҳал этиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун 70 квартирали уй муддатдан илгари фойдаланишга топширилиши керак.

Бу ерда партия бюросининг янги состави демократик йўсиндан сайланди. Бюрога 14 киши кўрсатилган эди, 7 киши сайланди. Уч номзод орасидан секретарь сайланди. Кўпчилик яна Е. Л. Красноярцев учун овоз берди. Муҳокама юритиб кўриш учун яна бир ахборотни айтиб ўтмоқчимиз: бюро составига фақат инженер-техник ходимлар сайланди, бюрода бирорта ҳам ишчи йўқ, наҳотки, ишчилар ўртасида муносиблари, ташаббускорлари бўлмаса. Бу шунчаки савол эмас. Коммунистлар бу ҳақда ўйлаб кўрсалар арзийди.

Коммунистлар В. Сидоровни катта умидлар билан бюро аъзолигига сайлашди. Принципиал одам, янгича фикр юритади, ақли тиниқ, шу боисдан ҳам коммунистлар уни юқори партия органларига сайлаш учун тавсия этишди.

— Партком аъзолигига кимни сайлаш хусусида кўпчилик билан маслаҳатлашишаётганлиги жуда соз, — деди механик А. Махатов. — Оддий одамлар анкеталарни ўқишмайди, шунга қараб одамга баҳо беришмайди, ишига қараб, ғайрат-шижоатига ва инсонийлик фазилатларига қараб баҳо беришади. Ҳаммамиз халқнинг кўз ўнгида ишлаяпмиз. Халқ эса ҳар биримизнинг кимлигимизни яхши билади.

Редакциядан: Партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари турлича ўтмоқда: баъзи йиғилишлар кенг демократия ва ошкоралик шароитида, айримлари эса илгари бўлганидек, ҳозир ҳам эшикларни зич ёпиб қўйиб, партиясизлар «сирдан воқиф бўлмасин» қабилида ўтмоқда. Бамаъни гап айтилмаётган, коммунистларнинг ўзи ҳам ўз ишлари муҳокама қилинаётганида эснаб ўтирган жойларда йиғилиш очиқ бўлмаяпти. Лоқайдлик, бепарволик — худди ана шу иллат кўпгина партия группаларида барҳам топмаган. Акс ҳолда қуйидаги фактни, яъни минглаб ташкилотларда йиғилишлар ўтказилган бўлса ҳам фақат айримларидагина коммунистлар ишни қониқарсиз, деб топганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Демак, кўпчилик коммунистлар ғайрат-шижоат билан, жанговарлик билан, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси руҳида иш тутибди-да. Агар шундай бўлса, нима учун биз, Ўзбекистонда қайта қуриш секин бормоқда, зарур суръат қўлга киритилгани йўқ, деб эътироф этмоқдамиз. Ҳар қалай, бунинг сабаби шундаки, ҳали анчагина партия ташкилотлари давр талаб қилаётганидек ишлашаётгани йўқ, бу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам ниҳоятда қийин вазифаларни бажаришга ҳали шай эмас.

Айни вақтда эса ҳамма ерда «маъқуллаб», бепарволик билан қўл кўтарилмоқда. Хўш ёмон ишлаганимиз, бундан буён ҳам шундай бўлиши учун қўл кўтариляптими. Бир жойда депсиниб туриш бизга маъқулми? Кейин эса хўрсиниб: «бирон-бир мард келса-ю, тартиб ўрнатса...» дейишимиз керак бўладими? Хўш ўзимиз кимдан каммиз, ё қўлимиз калтами? Ҳозир коммунистда ана шундай кайфият бўлмаслиги керак, ҳар бир партия аъзоси ўзини жангчи деб ҳис этиши лозим. Акс ҳолда унга партия билети ҳайф!

• Журналларнинг янги сонларида:

«МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг саккизинчи сони XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси тўғрисидаги информацион билдириш билан очилади. Журналдан «Редакциянинг ижодий имкониятлари» сарлавҳали бош мақола ўрин олган.

«Қайта қуриш: ҳаракат қилиш даври» умумий сарлавҳа остида «Ўзбекистон агитатори» — «Агитатор Узбекистана» журналининг бош редактори А. Агишевнинг «Янгилик излаб», Ўзбекистон радиоси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош редакциясининг бўлим мудири Р. Меламеднинг «Жонли мулоқот — замон талаби», Д. Юсупжонованинг «Марказлаштиришнинг фойдаси», В. Загрядскийнинг «Райком газетани уч тилда чиқаришни таклиф этди» сарлавҳали мақолалари ўрин олган. «Етуклик имтиҳони» сарлавҳали суҳбатда республика ижодий конкурслари тўғрисида савол-жавоблар босилган.

Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикаси «Обувщик» кўп тиражли газетасининг редактори М. Содиқовнинг «Кичик» матбуотнинг катта ташвишлари» сарлавҳали мақоласа кўп тиражли, Сирдарё область Боёвут район «Ленин байроғи» газетаси редакторининг ўринбосари М. Мелиқўзиевнинг «Ошкораликми ёки расмиятчилик?» сарлавҳали мақоласида эса деворий газеталар муаммолари ҳақида кенг фикр юритилган.

Журнал анъаналарни давом эттириб, ўз саҳифаларида энг тажрибали матбуот ва алоқа ходимлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида лавҳалар берган. Жумладан, бу сонда «Ўқитувчи» нашриёти фан-техника кенгаши раиси Ғ. Алиев ва «Союзпечать» агентлиги киоскачиси Б. Ҳидоятов ҳақидаги лавҳаларни ўқиш мумкин.

Журнал «Мухбирларнинг сиртқи мактаби» рубрикасини давом эттириб, бу гал ТошДУ журналистика факультетининг доценти Ф. Мўминовга минбар беради. Унинг «Камёб жанр» сарлавҳали мақоласида газета журналистикасининг энг кўп тарқалган жанри — мақола хусусида гап боради.

«Китоб. Рецензия. Мулоҳаза» рубрикаси остида филология фанлари кандидатлари М. Туробова ва Ю. Жуманазаровнинг «Сўз хусусида сўз» сарлавҳали рецензияси ўрин олган. Унда Алибек Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» сарлавҳали асари таҳлил қилинган. Журналда шунингдек, «Нуқтаи назар», «Фоторепортаж», «Фотовернисаж», «Изланиш клуби», «Информация» ва бошқа рубрикалар остида ҳам бир қатор материаллар босилган, журналхонлар ижодидан ҳикоя ва шеърлар берилган.

АГИТБРИГАДА ЁРДАМ БЕРДИ

✦ Қўшкўпир район маданият бўлими агитбригадасининг чиқиши Ленин номли колхоз правлениесининг мажлис ўтказиши учун сабаб бўлди. Мажлисда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ва йиғим-теримга тайёргарлик давридаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар белгиланди.

Маданият-маърифат ходимлари бу хўжаликда пахта териш техникаси, йўллар ва хирмонларни ремонт қилиш пайсалга солинаётганлиги ҳақида сигнал тушгач, дарҳол хўжаликка етиб келдилар. Хўжалик меҳнатчилари билан ўтказилган суҳбатлар интермедиялар, оғзаки фельетон ва ҳажвий қўшиқлар мавзусини белгилаб берди. Агитбригада колхозда кўрсатган томошасида дангаса ходимларни шафқатсиз танқид қилди. Хўжалик раҳбарлари бу танқиддан хулоса чиқариб олдилар.

Хоразм областида ўнлаб кўчма агитклуб ва агитбригадалар ташкил этилди. Бу йил уларнинг чиқишларини воҳадаги деярли барча колхоз ва совхозларда томоша қилишди. Пахтакорлар, шоликорлар, механизаторлар, чорвадорлар, бинокорларнинг ўзлари программанинг ҳам муаллифи бўлмоқдалар.

(ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига бинокорлик материаллари, санитария-техника ускуналари ва буюмларини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла қондириш учун зарур ҳажмларда ишлаб чиқаришни таъминлаш топширилди.

Қарорда аҳолига маиший хизмат соҳасини техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштиришга доир чора-тадбирлар кўзда тутилган. Министрликлар ва идораларга маиший хизмат корхоналари учун технология машина-ускуналарини ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан 1989-1995 йилларга конкрет топшириқлар белгиланган.

РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети, Белоруссия ССР Министрлар Совети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети, Литва ССР Министрлар Совети, Молдавия ССР Министрлар Совети, Латвия ССР Министрлар Совети ва Эстония ССР Министрлар Советининг 1989—1995 йилларда маиший хизмат корхоналари учун технология ускуналари, машиналар, приборлар ва асбоблар ишлаб чиқариш ҳажмларига доир таклифи қабул қилинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1989-1995 йилларда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига кам юк ортиладиган автомобиллар ажратиш, СССР Госплани, СССР Госснаби ва СССР Автомобиль саноати министрлигига эса 1989—1990 йилларда 1988 йилдагига нисбатан иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари тасарруфига ана шундай автомобиллар фондини йилига 2 мингта кўп ажратиш вазифаси топширилди.

Аҳолига пуллик маиший хизмат кўрсатувчи асосий ташкилотлар бўлган министрликлар ва идоралар саноатнинг машинасозлик ва мудофаа тармоқлари министрликлари билан биргаликда ўн учинчи беш йиллик учун мазкур қарорда кўзда тутилган одамларнинг дам олиши, ҳордиқ чиқариши ва саломатлиги билан боғлиқ хизматларни ривожлантиришга оид топшириқлар бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ускуналар яратиш ва ишлаб чиқариш юзасидан тадбирларнинг келгусидаги истиқболини ҳам 1988—1989 йилларда ишлаб чиқиб тасдиқлашлари керак.

СССР Госстройига ҳамда СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига РСФСР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, хизмат кўрсатишга мослаштирилаётган бошқа министрлик ва идораларнинг техникавий шартлари асосида уларда аҳолига пулли хизмат кўрсатувчи корхоналар ташкил этиш учун енгил металл конструкциялардан йиғма бинолар (модуллар)нинг типовой лойиҳаларини 1988—1989 йилларда ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги 1990 йилдан бошлаб аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар учун ана шундай типовой лойиҳалар асосида СССР Госплани белгилаб берадиган ҳажмда енгил металл конструкциялардан йиғма бинолар (модуллар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши лозим.

Қарорда ўн иккинчи беш йилликнинг охиригача пуллик хизмат соҳаси корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларини марказлаштирилган тартибда улгуржи савдо шартларида тақсимланмайдиган маҳсулотлар билан таъминлашга ўтиш белгиланди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилаётган министрликлар ва идораларга ҳамда СССР Халқ таълими давлат комитетига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш асосий фаолияти бўлмаган министрликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг талабномаларига кўра шартнома асосида аҳолига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш тавсия этилди.

Қарорда хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принциплари асосида пуллик хизмат соҳасида хўжалик юритиш механизмини қайта қуришнинг йўналишлари, меҳнат коллективларининг аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашдан манфаатдорлигини оширишга оид тадбирлар белгилаб берилди.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг СССР министрликлари ва идоралари билан янада самарали ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда тармоқ ва территориал бошқарувни аҳолига пулли хизмат соҳасини ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилади:

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари аҳоли талабини ўрганиш асосида ўзларига қарашли территорияда хизмат соҳасини ҳар томонлама комплекс ривожлантиришни таъминлайдилар ҳамда аҳолининг пуллик хизматларга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис ва сифатли қондириш учун бутун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Уларга республика ва маҳаллий бошқарув органлари, шунингдек тегишли территорияда жойлашган, Иттифоққа бўйсунувчи барча бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар амалга ошираётган аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга оид ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юкланди.

СССР идоралари ва министрликлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда ўзларига қарашли барча корхоналар ва бирлашмаларда ўз ходимлари ва бошқа гражданларнинг ана шундай хизматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга, хизмат соҳасини ривожлантиришга ҳар бир тармоқ қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга эришиб, пулли хизматларни жадал ривожлантириш чора-тадбирларини кўришлари зарур.

Қарорда пуллик хизматларни планлаштириш тартиби белгиланди.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига амал қилиб, ўзларининг пуллик хизматларни ривожлантириш планлари лойиҳаларини тегишли иттифоқдош (областларга бўлинмайдиган), автоном республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб олишлари керак.

СССР Стандартлар давлат комитетига СССР Статистика давлат комитети билан биргаликда 1989 йилда аҳолига пуллик хизматларнинг умумиттифоқ классификаторини ишлаб чиқиб тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, министрликлар ва идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳаси ишини қайта қуриш чоғида соҳа корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларини 1988—1989 йилларда бошқарувнинг асосан иқтисодий методларига планли равишда ўтказиш, уларнинг фаолиятига хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларини изчил жорий этиш, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг ўз фаолияти натижалари учун иқтисодий жиҳатдан масъулиятлилиги шу соҳадаги ишларнинг асосий йўналишлари эканлигига амал қилиш таклиф этилди. Аҳолига кўрсатиладиган хизматларни маблағ билан таъминлашнинг аралаш формаси давлат бюджети ва аҳолига хизмат кўрсатишдан олинадиган даромадлар ҳисобига ривожлантирилаётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга нисбатан самарали ишни рағбатлантиришнинг энг яхши имкониятларини вужудга келтириб, ўз маблағлари ҳиссасини кўпайтириш йўлини изчил ўтказиш кўзда тутилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига аҳолига пуллик хизматлар кўрсатаётган корхоналарга икки йилгача муддат ичида хизматнинг янги турларига нарх (тариф) белгилаш, шунингдек хизматларнинг мавсумга, кеча-кундуз давомидаги вақтга, шунингдек кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қараб, амалдаги нархларга (тарифларга) қўшимча ҳақ ва камайтирилган нарх белгилашга рухсат этиш ҳуқуқи берилди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига аҳолига пулли хизмат кўрсатаётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда ижара, коллектив ва якка тартибдаги пудратни кенг жорий этишга бутун чоралар билан кўмаклашиш, кооперативлар ташкил этишда гражданларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларга ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида турли-туман ёрдам бериш тавсия этилди.

Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, физкультура ва спорт, соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат кўрсатишнинг кооператив формаларини янада фаолроқ жорий этиш таклиф қилинди.

Қишлоқ жойларда, кичик аҳоли пунктларида (уларда бундай соҳанинг давлат корхоналарини ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас), шунингдек меҳнат ресурслари кўп бўлган регионларда кооперативлар ташкил этиш ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти асосида гражданларни хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларга жалб этишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг маиший хизмат соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган гражданларга кўмаклашишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида ана шу корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга шу гражданлар мазкур корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг ускуналари, асбоблари ва материал ресурсларидан фойдаланиб кўрсатаётган хизмат ҳажмларини пуллик хизматларни амалга ошириш бўйича давлат буюртмаларини бажариш тўғрисидаги ҳисоботларга киритишга рухсат берилди.

СССР Статистика давлат комитетига, СССР Молия министрлигига, СССР уй-жой ва социал ривожланиш банкига ва СССР Госпланига манфаатдор министрликлар ва идоралар иштирокида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган гражданлар аҳолига кўрсатаётган хизмат ҳажмларини ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Гражданлар турли категорияларини аҳолига хизмат кўрсатишга кенг жалб этиш учун корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни, жумладан ана шу корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар ходимларини асосий ишдан бўш вақтда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга жалб этиш ҳуқуқи берилди. Пенсионерлар, уй бекалари ва ўқувчиларни пуллик хизматлар кўрсатишда, шунингдек белгиланган тарифлар асосида ёки иш бажарилиши ва буюртмачилар уларни қабул қилиб олиши биланоқ шартнома асосида меҳнатга ҳақ тўлаш билан айрим ишларни бажаришда қатнашишларига фаол кўмаклашиш ҳам белгиланди.

Пуллик хизматлар кўрсатиш асосий фаолияти бўлмаган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар учун ана шундай хизматлар кўрсатишдан тушадиган фойда коллективларни ишлаб чиқариш ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг қўшимча манбаи эканлиги белгиланди. Олинган даромаддан фойдаланиш тартибини корхона, бирлашма, ташкилот раҳбари меҳнат коллективи кенгаши билан келишган ҳолда белгилайди.

Ана шу корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмига киритилмайдиган бажарилган ишлар (хизматлар)га норматив асосида ташкил этилган иш ҳақи фондига қўшимча равишда, иш ҳақи фондини ташкил этишнинг норматив методига ўтказилмаган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда эса меҳнатга қараб белгиланган пландан ташқари ҳақ тўланиши керак.

Пуллик хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш ва аҳолига хизмат сифатини яхшилашдан манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига касаба союз комитетлари билан келишган ҳолда кўзда тутилган иш ҳақи фонди доирасида қўшимча ҳақ ва устама ҳақ белгилаш: асосий ишдан озод этилмаган ишчи бригадирларга бригададаги ишчилар сонига, бажариладиган ишлар ҳажми ва уларнинг хусусиятига қараб ойига 40 сўмгача миқдорда ва звено бошлиқларига бригадирларга тўланадиган қўшимча ҳақнинг 50 процентигача бўлган миқдорда қўшимча ҳақ белгилаш ҳуқуқи берилди, бригада ва звенога раҳбарлик учун қўшимча ҳақ бригадалар (звенолар) ишлаб чиқариш топшириқларини бажарган ва кўрсатиладиган хизмат юксак сифатли бажарилган тақдирда; ходимларга касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб олиб борганлиги, хизмат зоналарини кенгайтирганлиги ёки бажариладиган ишлар ҳажмини кўпайтирганлиги учун ишдан бўшатилган ходимларнинг тариф ставкалари (мансаб окладлари) бўйича иш ҳақи фондини тежаш доирасидаги асосий ишга қараб тариф ставкаси (оклади)нинг 50 процентигача бўлган миқдорида; ишчилар, мастерлар, участка бошлиқлари, мутахассислар ва хизматчиларга ўзининг асосий иши билан бир қаторда вақтинча ишламаётган ходим вазифаларини бажарганлиги учун асосий иш бўйича тариф ставкаси (оклади) 50 процентигача бўлган миқдорда, бироқ ишламаётган ходим тариф ставкаси (мансаб оклади)нинг 50 процентидан ошмаган миқдорда; бўлинмалар раҳбарларига, мутахассислар ва хизматчиларга меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганлиги ёки алоҳида муҳим ишни бажарганлиги учун ана шу иш бажарилган муддатга мансаб окладининг 50 процентича миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

Совет ва хўжалик органларига хизмат соҳасини тубдан қайта қуриш, соҳани ҳар томонлама ва тез ривожлантиришни таъминлаш юзасидан ташкилотчилик ишлари савиясини анча ошириш тавсия этилди.

● *Мутахассислар маслаҳати*

Ғўза дефолиациясини вақтида, сифатли ўтказайлик

Пахта етиштиришдаги замонавий технология далаларни машина теримига пухта тайёрлашни тақозо этади. Ғўза барги сифатли тўктирилсагина, терим машиналарига равон йўл очилади. Шунинг учун ҳам далаларни ўз вақтида ва сифатли дефолиация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун химиявий дорилардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш лозим. Ғўза барги муддатидан илгари тўктирилса, бу ҳосилдорлик пасайишига, боз устига пахта толасининг сифати бузилишига олиб келади. Агар дефолиация кечиктириб юборилса, барглар тўла тўкилмайди, терим чўзилади, машина теримига вақт кам қолади, пахтанинг ифлослиги ва намлиги ортиб кетади. Баргларнинг 75 проценти тўкилгандагина агрегатлар нормал ишлайди.

Бу йил ғўзани дефолиация қилишда кальций хлорат-хлориди, магний хлорати ҳамда магний хлоратининг бутилкаптакс билан аралашмасидан фойдаланилади. Ана шу препаратларни қўлланишда тавсияларга қатъий риоя этиш зарур.

Дефолиацияни ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати Цельсий бўйича 17 даражага тушганда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ғўзани дорилашга экин биологик жиҳатдан тайёр бўлганда киришиш ва қисқа муддат ичида якунлаш зарур. Магний хлоратининг қаттиқ таъсир этиши натижасида ҳосил нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун дефолиацияни кўсакларнинг камида 40—50 проценти очилганида ўтказиш тавсия этилади.

Бу йил ғўза ривожи ўтган йилдагидан анча олдинда, августнинг охири — сентябрь бошларида пахта ёппасига очилиши кутилмоқда. Ўша пайтга қадар ҳамма пайкалларни синчиклаб текшириб чиқиш ҳамда ҳар бир хўжалик, ҳар бир дала бўйича дефолиация ўтказишнинг табақалаштирилган муддатларини белгилаш лозим.

Терим машиналари айланадиган жойларга умумий дефолиация ўтказилишидан 3—4 кун аввал «ОВХ-14» ёки «ОВХ-28» трактор пуркагичлари ёрдамида дори сепилгани маъқул, бунинг учун эса гектарига 13—16 килограмм магний хлорати ёки 25—30 килограмм кальций хлорат-хлориди ишлатиш керак.

Дефолиантлар таъсирининг самараси уларнинг дозалари, ишлов бериш муддатлари, экинларнинг селекция навлари ва ҳолатига боғлиқ. Ишлов бериш муддати ҳамда ғўзаларнинг қувватига қараб гектар ҳисобига 20—25 килограмм миқдорида кальций хлорат-хлориди, 8—10 килограмм магний хлорати сепиш тавсия этилади. Дефолиация ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича 15 даражадан пасайган пайтда ўтказилганда гектарига 25—28 килограмм кальций хлорат-хлориди ва 12—14 килограмм магний хлорати билан ишлов бериш керак.

Гектар ҳисобига сарфланадиган препарат нормасини оширишга асло йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда ғўза барги тез қуриб қолади, аммо тўкилмайди, кўсакларни қуритиб юборади, бунинг натижасида ҳосил сифати ва миқдорига зарар етади.

Турли навларнинг дефолиантлар таъсирига берилиши ҳар хил. Масалан, «АН-402», «АН-Ўзбекистон-3» ва «Самарқанд-3» ўрта толали ғўза навлари табиий равишда барг тўкишга мойил бўлиб, уларнинг баргини батамом тўктириб юбориш учун «Тошкент-1» навига қараганда 25—30 процент кам дори талаб этилади. Ингичка толали навлар орасида «Термиз-14» бирмунча таъсирчан ҳисобланади. Бу нав ғўзани дефолиация қилишга «С-6037»га қараганда 20—25 процент кам препарат сарфланади.

Кальций-хлорат-хлориди ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 17 даражадан кам бўлмаганда самарали таъсир этади. Магний хлорати препарати эса ҳаво ҳарорати 14 даража бўлганда ҳам ғўза баргини тўктириши мумкин.

Барча мавжуд дефолиантлар экинга теккандагина таъсир этиш хусусиятига эга, яъни улар тушган барггина тўкилади. «ОВХ-14» ва «ОВХ-28» типидаги ер усти агрегатларида дефолиация ўтказилганда барглар кўп миқдорда тўкилади, такрорий дефолиацияга ҳожат қолмайди. Ер усти аппаратлари ёрдамида магний хлорати аралашмаси билан ғўза пуркалганда энг аввал қўр аралашма тайёрланади. Бунинг учун 50 килограмм магний хлорати олинади-да уни идишга солиниб, устидан юз литргача сув қуйилади ҳамда яхшилаб эритилади. Шунда 50 процентли қўр аралашмаси ҳосил бўлади.

Самолётлар ёрдамида магний хлорати аралашмаси билан пуркалганда қўр аралашма тайёрланмайди, балки препарат махсус идишларда сув билан аралаштирилади.

Самолётларни заправка қилиш олдидан магний хлоратининг ишлатилувчи аралашмаси сув насоси ёки сув аралаштиргич ёрдамида 15—20 минут давомида яхшилаб қориштирилади.

Кальций хлорат-хлориди аралашмаси дастлаб қўр аралашма тайёрлаб қўйишни талаб этмайди. Унинг ўзи суюқлик бўлиб, сувда яхши аралашади, демак, сарфлаш нормасига мувофиқ ҳолда бевосита трактор пуркагичлари бакларига қуявериш мумкин. Бунда албатта препаратни тўрдан ўтказиш ҳамда бакларга агрегатнинг сув билан заправкаси тугашига 2—3 минут қолганда баравар порцияларда қуйиш лозим. Ғўзани кальций хлорат-хлориди аралашмаси билан пуркаш учун самолётлардан фойдаланилганда ўлчанган ва элакдан ўтказилган препарат идишларга қуйилиб, сув билан аралаштирилади, сўнгра самолёт бакларига солинади.

Бутилкаптакснинг магний хлорати билан аралашмаси (1:1) бевосита ишлов бериш олдидан тайёрланади. Бутилкаптакс концентрати озроқ миқдордаги сув билан бир хил кўринишли суюқлик пайдо бўлгунча аралаштирилади, сўнгра пуркагич бакига ёки цемент ҳовузчага қуйилади. Магний хлорати ҳам шу тарзда тайёрланади, кейин эса зарур миқдорда сув қўшилиб аралаштирилади.

Умумий қоидани назарда тутиш зарур, яъни яхшилаб аралаштириш ҳамда ҳар қандай препаратнинг тайёр ишлатилувчи суюқлигини элакдан ўтказиш лозим. Бунинг учун сим элак (0,75х0,75 мм) қўлланилади.

Самолётлар ёрдамида пуркалганда ўсимликнинг бўйи, ривожи ва шохларига қараб гектар ҳисобига 100—150 литр, тракторга осиб ишлатиладиган агрегатлар ёрдамида сепилганда эса 100—300 литр («ОВХ-28» қўлланилганда 100—150 литр, «ОВХ-14»да эса 200—300 литр) сарфланади.

Самолётлардан фойдаланилганда юқори самарага эга бўлиш учун учиш баландлигини 5 метрдан оширмаслик тавсия этилади. Шунда ҳаво тўлқини туфайли химикатлар ҳамма яруслардаги баргларга тушади ҳамда ўсимликка такрорий дори сепишга ҳожат қолмайди. Самолётлардан фойдаланиб, экинзорларни бир текис дорилаш пайтида илгаридан шунга ўргатилган сигналчилар ишига алоҳида эътибор бериш зарур. Улар ҳар 30 метр (қатор оралари 90 сантиметр бўлса — 33 эгат, 60 сантиметр бўлса — 50 эгат) масофада ҳаракат қилишлари лозим.

Дефолиантлар таъсирининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бутун кун мобайнида ғўзага ишлов бериш вақтига боғлиқ: бу ишни тонг палласидан бошлаш ҳамда ҳаво ҳарорати 30 даражага кўтарилганда тўхтатиш зарур. Бу тахминан 11—12 соатга тўғри келади. Кечқурун соат 5—6 дан кейин, яъни ҳаво ҳарорати пасая бошлаганда ишни яна давом эттириш лозим. Агар ҳаво ҳарорати 30 даражадан паст бўлса, бутун кун мобайнида ишлов бериш мумкин. Секундига 5 метрдан юқори тезликда шамол турганда дефолиантлар билан ишлов бериш тавсия этилмайди.

Ингичка толали нав ғўзасининг баргини тўктириш учун кальций хлорат-хлориди, магний хлорати, магний препаратининг бутилкаптакс билан аралашмаси тегишли равишда гектар ҳисобига 28—30, 15—18 ва 7+7 килограмм миқдорда сарфланади.

Ингичка толали нав ғўзасини дефолиация қилишни пахта камида 30 процент очилганда ўтказиш тавсия этилади. Бундай нав ғўзани десикациялаш фақат магний хлорати билан гектарига 25—30 килограмм ҳисобида ўтказилади.

Дефолиантлар билан ишлаш чоғида улардан фойдаланишнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинишига алоҳида эътибор бериш керак. Химиявий дефолиация ўтказишга жалб этилган ишчи ва мутахассислар заҳарли химикатлардан фойдаланиш чоғида хавфсизлик техникаси қоидаларига бўйсунишлари шарт. Ғўза баргини тўктиришда банд бўладиган ҳамма ходимлар беистисно равишда иш бошлангунга қадар медицина кўригидан ўтишлари лозим.

Тавсиялар «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари, «Узсельхозхимия» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон ССР Олий судининг пленуми

Ўзбекистон ССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси С. Йигиталиев кириш сўзида судларнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларига тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. В. Добронравов доклади юзасидан республика судларининг жазо белгилашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонунни қўлланиш практикаси хусусидаги масала кўриб чиқилди.

Пленум, агар белгиланган жазо адолатли ва оқилона бўлса, у ўзининг тарбиявий аҳамиятини оқлайди ҳамда янги жиноятларнинг олдини олади, деб уқтирди. Бунинг учун судлар жиноятнинг характерини ва унинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят содир бўлган конкрет вазиятни, айбдорнинг шахсини ҳисобга олиши зарур. Жиноий жазони индивидуаллаштириш принципи айни ана шундан иборат.

Судлар атайлаб қилинган қотиллик, номусга тегиш, давлат ёки жамоат мулкини кўп ва ғоят кўп миқдорда ўғирлаш, порахўрлик каби жуда хавфли ва оғир жиноят содир этганлик учун айбдорларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш ва жазони кучайтирилган режимли қамоқхоналарда ўташга асосли равишда ҳукм қилаётганлигини практика кўрсатди. Пленум оғир жиноят қилган шахсларга нисбатан бундан буён ҳам енгиллик бермаслик зарурлигига судларнинг эътиборини қаратди.

Шу билан бирга, пленумда таъкидлаб ўтилганидек, совет жиноят қонуни жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишлари, жарима, етказилган зарарни қоплашни зиммасига қўйиш, жамоатчилик танбеҳи каби жазонинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган турларини, албатта меҳнатга жалб қилиш шарти билан озодликдан маҳрум этишга шартли ҳукм қилишни, ҳукмни ижро қилиш муддатини кечиктиришни ва шу кабиларни ҳам кўзда тутади. Кўп йиллик суд практикаси шундан далолат бермоқдаки, асосли равишда бундай жазони белгилаш одатда ўзини оқламоқда ва самарали бўлмоқда, чунки ҳукм қилинган кишилар кўпинча ўзлари ишлаётган ёки ўқиётган коллективларда қоладилар, муҳитнинг ўзи уларни қайта тарбиялашга ижобий таъсир қилади.

Бу масаланинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида кўриб чиқилганлиги совет жиноят қонунлари инсонпарварлиги ва демократизми янги кўринишларининг далилидир. Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мажлисида жиноий жавобгарликка тортишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлар рўйхатини камайтириш, шунингдек арзимас жиноят қилган гражданларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўлланиш имкониятларини кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шуни ҳисобга олиб, судларга тегишли тавсияномалар ва изоҳлар берилди.

Пленумда айбсиз гражданларни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳукм чиқариш фактлари ҳали ҳам тугатилмаганлиги таъкидланди. Сўнгги уч ярим йил ичида республикада судлар 400 нафардан кўпроқ кишини оқладилар ва қўзғатилган жиноий ишни тўхтатдилар. Етказилган моддий зарарни қоплаш учун уларга салкам 300 минг сўм давлат маблағи тўланди. Пленум буни тоқат қилиб бўлмайдиган аҳвол, деб ҳисоблаб, судьяларнинг эътиборини гражданларни ғайриқонуний ҳукм қилишнинг ҳар бири учун шахсан жавобгар эканликларига қаратди. Кассация ва назорат тартибида ишни кўриб чиқадиган судларга қуйи судлар фаолияти устидан суд назоратини кучайтириш таклиф қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Суди жиноий ишлар судлов коллегиясининг ҳисоботи муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда судлар қонунларни тўғри ва бир хил қўлланишлари устидан назорат самарадорлигини ошириш учун коллегия имкониятлардан тўла фойдаланмаганлиги таъкидланди.

Коллегия кассация ва назорат тартибида ишларни кўриб чиқиш чоғида бир қанча ҳолларда айбдорларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва жазо чораларини белгилаш масалалари юзасидан нотўғри қарор қабул қилди, тергов органлари ва судлар томонидан қонунни бузиш фактларига ўз муносабатини ҳамиша ҳам ўткир ва принципиал равишда билдирмади. Пленум суд коллегияси зиммасига судловни амалга ошириш, жиноят содир бўлишига олиб келган сабаблар ва кўмаклашган шарт-шароитларни очиб ташлаш ва бартараф этиш соҳасидаги фаолиятини яхшилаш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» фармон қабул қилганлиги муносабати билан пленум судларнинг янги меҳнат қонунларини қўлланиш практикасини муҳокама қилди ва ана шу масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий суди пленумининг қарорларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Пленум суд ишлари юзасидан протестларни ҳам кўриб чиқди.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Ў. С. Раҳимов, Ўзбекистон ССР юстиция министри вазифасини бажарувчи Ю. А. Рукин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Боғча шундай бўлса...

Боғот районидаги Жданов номли колхозда 160 ўринли болалар боғчаси ишга туширилди. Уни қишлоқ бинокорлари оригинал лойиҳа асосида қисқа муддатда қурдилар. Боғча колхоз дурадгорлик устахонасида ишлаб чиқарилган мебеллар билан жиҳозланди. Кичкинойлар маскани ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Икки гектарлик боғ, экин майдони, сигирлар ва паррандалар боғча ихтиёрига берилган. Болалар мева ва сабзавот билан мунтазам таъминланмоқда. Ёрдамчи хўжалик гўшт ва сутни ўз вақтида етказиб бераётир.

— Яқин келажакда боғчамиз ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ўтади, бунинг учун ҳамма имкониятларимиз бор, — дейди боғча мудираси Гулсора Раҳимова.

Дарҳақиқат диққатга сазовор ташаббус. Болалар муассасасида ёрдамчи хўжалик барпо қилишнинг яна бир афзаллиги шундаки, боғ ва фермадаги иш жараёнини болалар ҳар куни кўриб, уларда меҳнатга муҳаббат уйғонади.

Ф. ЗОҲИДОВ.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ЖАРОҲАТ ИЛДИЗЛАРИ ЙЎҚОЛСИН»

Газетанинг шу йил 20 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Бухоро областида, шу жумладан, Вобкент районида хотин-қизлар меҳнатини ташкил этиш ва шу каби бошқа муаммолар кўтарилган эди.

Ушбу мақола юзасидан БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда қуйидагилар хабар қилинади:

— Танқидий материалда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Мақола область партия комитетида, область хотин-қизлар Кенгаши йиғилишида, Вобкент район партия, совет ва жамоат ташкилотлари иштирокида кенг муҳокама қилинди ва тадбирлар белгиланди.

Область партия комитети тадбирларига кўра хотин-қизлар кенгаши аъзолари ва активлари иштирокида районларда хотин-қизлар семинар-кенгашлари ўтказилмоқда. Ҳозирги кунга қадар шундай семинар-кенгашлар Олот, Бухоро, Вобкент, Когон, Қоракўл, Пешку районларида Бухоро ва Когон шаҳарларида ўтказилди.

Бу тадбирларда хотин-қизлар ижтимоий активлигини ошириш, улар меҳнатини енгиллаштириш, кўпроқ жамоат ишларига жалб қилиш, янгича урф-одатларни кенгроқ жорий қилиш муаммолари ва уларнинг ечимлари кўриб чиқилди.

Областда бу борада анча ишлар амалга оширилмоқда. Кўча ва қишлоқ байрамлари, халқ сайллари, «Иқбол» «Балли қизлар», «Қайнона ва келин» учрашувлари ва шунга ўхшаш тадбирлар ўтказиш кундалик идеология ишидан кенгроқ жой олмоқда.

Қишлоқни социал-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. «Уй-жой», «Саломатлик» программалари ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Қишлоқда медицина хизматини яхшилаш мақсадида олтмишта фельдшер-акушерлик пунктлари қурилиши планлаштирилди. Ҳозиргача ана шундай пунктлардан ўнтаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фақат шу йилнинг ўтган даврида ўн тўртта маъмурий бино медицина муассасаларига берилди.

Шунингдек, мактабгача болалар муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва яхшилаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

— «Жароҳат илдизлари йўқолсин» сарлавҳали танқидий материалда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди, — дейилади ВОБКЕНТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда. — Мақола партия, совет, медицина ва маъмурий органлар ходимлари иштирокида Вобкент тикувчилик фабрикасида, шунингдек, район хотин-қизлар кенгашларининг семинар-кенгашида муҳокама этилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фабриканинг иккинчи навбатида қурилиш ишлари олиб бориляпти.

«В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги» колхозида турмуш маданияти университети ишлаб турибди. Тикувчилик фабрикасида эса «Ёш уй бекалари» клуби ташкил қилинди. Фабрика медицина пунктида акушер-гинеколог, терапевт ва стоматолог врачларнинг график асосида қабули йўлга қўйилди.

Шаҳар Совети тикувчилик фабрикасида савдо ишларини назорат қилиш юзасидан депутатлар пости ташкил қилди.

Мақолада меҳнаткашларни уй-жой, болалар боғча-яслилари билан таъминлаш муаммолари ҳам кўтарилган эди. Шу йил район марказида 280 ўринли, «Ленинград» колхозида эса 90 ўринли боғча-ясли қурилиб фойдаланишга топширилди. Район партия комитети биносини ҳам санаторий типидаги боғчага айлантириш мўлжалланмоқда. Ҳамма колхозлардаги болалар боғча-яслиларига гўшт, сут ва тухум ажратиляпти.

Ҳар бир қишлоқ Совети одамларнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиб чиқди. Катта қишлоқларни кенгайтириш бош схемаси ишлаб чиқилмоқда, уй-жойга муҳтож бўлган кишиларга қурилиш материаллари ва жой ажратиляпти.

Район партия комитети келгусида ҳам хотин-қизларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш чораларини кўраверади.

Қардошлик меридианларида

Тюмень областида Ўзбекистон кунлари ниҳоясига етди. Август ойидаги ҳафталик фестиваль давомида республикамизнинг энг яхши солистлари ва ижодий коллективлари концерт залларида, ишчилар клубларида, Сибирдаги шаҳарлар ва вахта посёлкаларининг ёзги саҳналарида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Фестиваль дўстлик ва қардошликнинг катта байрамига айланиб кетди. Ханти-мансилар миллий округида Ўзбекистон бинокорлари қураётган ёш Нягань шаҳри ҳамда Шимолдаги ўлка пойтахти, Сибирнинг қўҳна Рус шаҳри — Тюмень фестиваль марказлари бўлди. Делегациялар составида 200 дан кўпроқ одам бўлиб, уларга делегацияларга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов бошчилик қилдилар. Эътиборингизга ЎзТАГ мухбирларининг Тюмень областидан ёзган якунловчи репортажини ҳавола этамиз.

САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ, ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Тюмень областидаги дўстлик учрашувларидан лавҳалар.

А. КОВТУН фотолари (ЎзТАГ).

НЯГАНЬ

Делегацияларимиз аввал Свердловск шаҳрига самолётда учиб борди, сўнгра қарийб бир кеча-кундуз шимол ўрмонлари ва ботқоқликлари оралаб, темир йўл вагонларида сафарини давом эттирди. Йўлда бироз чарчаган кишиларни Нягань вокзалида гуллар, музика ва «Хуш келибсиз!» деган самимий сўзлар билан кутиб олишганида ҳордиқдан асар ҳам қолмади. Кутиб олувчилар орасида юртдошларимиз кўп экан, улар «Узтюмендорстрой» трестининг, «Узбектюменжилстрой» қурилиш-монтаж поездининг ходимлари, қурилиш отрядларига уюшган студент йигит-қизлардир.

Шу ердаёқ кичикроқ митинг бўлди. Биринчи концерт митингга қўшилиб кетди. Ўзбек «Лазги»сининг оҳангларига русча «Барыня» садолари, духовой оркестр овозига карнай навоси пайваста бўлиб кетди.

Нягань шаҳри тайгадаги Нях Югань дарёси ёқасида бунёд этилган, шаҳар қурила бошлаганига эндигина уч йил бўляпти. Бу ерда жуда катта нефть конлари очилган ва ўзбекистонлик меҳнаткашлар Няганнинг тўнғич қурувчилари бўлишди.

Республикамиз адабиёти ва санъати кунлари «Юность» маданият уйида тантанали равишда очилди, бу ерда делегациямиз Тошкентдан олиб келган «Совет Ўзбекистони» фотокўргазмаси ташкил этилган. Гарчи фестиваль ташкилотчилари қўшимча бир неча қатор стуллар қўйишган бўлса ҳам зал хоҳловчиларнинг ҳаммасини сиғдира олмади.

Байрамни Ханти мансилар миллий автоном округи халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси А. К. Ушаков очди.

Қутб бўсағасидаги Тюменда ишлаётган ўзбекистонликлар номидан меҳмонларни қурилиш-монтаж поезди комплекс бригадасининг бошлиғи П. Е. Костенко қутлади.

— Жонажон республикамиздан келган артистлар билан учрашиш биз учун ниҳоятда қадрлидир, — деди у. — Биз она юртимизга боргандек бўлдик. Тез-тез келиб туринг!

Тошкентлик таниқли рассом Э. Мансуровнинг асари, миллий чолғу асбоблари комплекси, замонавий ўзбек ёзувчиларининг асарларидан таркиб топган кутубхонача Нягань шаҳрига армуғон этилди.

Шундан кейин Ўзбекистон санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

Иккинчи кундан бошлаб Ўзбекистон санъат усталарининг бригадалари клубларда, олис вахта посёлкаларида, пармакашлар ва геологлар ҳузурида ўз санъатларини кўрсатдилар.

«Узбектюменжилстрой» қурилиш-монтаж поездининг коллективи бунёд этаётган Нягань шаҳрининг иккинчи микрорайонидаги уйлар Тошкентдаги янги кварталларни эслатади. Биноларга чиройли ўзбек нақшлари туширилган, бу фақат ташқи томондангина чиройли эмас. Кўпқаватли уйлар Шимол шароитига мўлжаллаб қурилган, панеллар совуқни ўтказмайди, йўлаклар (подъездлар)да тамбурлар бор. Уй-жойларни бу ерда комплекс тарзда бунёд этмоқдалар. Биринчи қаватларни магазинлар, дорихоналар ва ҳатто болалар боғчалари эгаллаган. Юртдошлар келишганида юз ўринли янги ошхона фойдаланишга топширилаётган экан. Қурилиш-монтаж поезди коллективи бир ярим минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, каттагина болалар комбинати қуришга киришди. Ўзбекистонлик қурувчиларнинг обрў-эътибори жойида. Нягань шаҳрида яшаётган кишилар тошкентлик бинокорлар қураётган микрорайонлардан квартира олишни афзал кўришларини айтдилар. Уч йил мобайнида қурувчиларимиз бу ерда 60 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой барпо этдилар. Беш йиллик охиригача бу рақам уч баробардан зиёд ошади.

Хўш, республикамиз вакиллари қандай яшашяпти? Уларнинг вагонлардан иборат посёлкасида ётоқхона, ҳаммом, магазин ва почта бор. Уларнинг ўзи бу ерда «Бинокор» клубини қуришибди. Бу ерда спорт билан шуғулланиш ва концертлар учун катта зал, кутубхона, видеосалон ва бильярдхона бор.

«Шодлик» ашула ва рақс ансамбли, А. Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг солисти М. Оримбоева, балет усталаридан Ф. Саъдуллаева ва Г. Гусев «Бинокор» клубига меҳмон бўлиб келишди.

— Тез-тез келиб туринглар, — деди концертдан кейин «Узбектюменжилстрой» қурилиш-монтаж поезди касаба союз комитетининг раиси М. Абдухолиқова. — Биз бу ерда уч йилдан бери ишлаяпмиз, лекин бунақанги санъат байрами биринчи бор бўлмоқда. Ўзбек артистлари бизни оталиққа олишса хўб маъқул бўларди-да.

Нягандаги кўпчилик бошқа юртдошларимиз ҳам «катта ер» билан доимий алоқалар зарурлиги ҳақида гапирдилар.

«Узтюмендорстрой» ва «Узурайдорстрой» трестларининг коллективлари қураётган йўллар ботқоқлик ва тайга оша тобора ичкари кириб бормоқда. Шинам шаҳарлардан анча олисда ишлаётган йўл қурувчилар она юртдан келаётган кишиларни алоҳида иззат-икром билан кутиб оладилар. Уларнинг клубида Ўзбекистон ССР халқ артисти Ш. Жўраев, Навоий номли театр солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. Жалилов, «Наво» вокал-чолғу ансамблининг концертлари катта муваффақият билан ўтди.

Концертларга келолмаган кишилар ҳузурига ижодий коллективларнинг ўзлари боришди.

Тайга ичкарисидаги Супра посёлкасига Нягандан вертолётда учиб келдик. Ҳали қуриб битказилмаган клуб-ошхонада концерт бўлди. Республика халқ артисти А. Эргашев «Майсаранинг иши» операсидан чўпон ариясини ижро этди, томошабинларнинг илтимосига кўра, «катта ашула»ни бошлаб юборди. «Шодлик» ансамбли солистлари Р. Абдуллаева, М. Ғозиева, Ш. Ғойибназарова рақсга тушганларида ўлкамизнинг баҳор нафаси уфургандек бўлди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Тошматов ўзининг янги ашулаларини туҳфа қилди.

Миннатдор томошабинлар артистларга гуллар ўрнига хушбўй шумурт гулдасталарини тақдим этдилар. Шу куни мезбонлар дастурхонга тандирдан янги узилган бўрсилдоқ нонларни, Тошкент норини тортдилар.

Супра посёлкасидаги ҳамюртлар билан хайрлашиб, яна вертолётга чиқдик. Сибирдаги иш шароитлари оғирлиги ҳақида кўп эшитган эдик. Лекин эшитган бошқа, кўрган бошқа экан. Қурувчилар ёзни ёз, қишни қиш демай, дарё кечиб, бутазорлар оралаб, ботқоқликларни кесиб ўтиб, Тюмень шимолининг битмас-туганмас хазиналари сари йўл очиб бормоқдалар.

Йўл қурувчиларимиз бу ерда қарийб 8 йилдан бери ишламоқдалар. Шу йиллар мобайнида фақат «Узтюмендорстрой» трестининг ўзигина 168 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этди, деярли 300 километр узунликдаги йўлни фойдаланишга топширди, 15 та кўприк бунёд этди. Ҳозир бу ерда яна бир «Узурайдорстрой» трести ишлай бошлади.

Няганда шаҳар куни байрам қилинаётган эди. Санъат усталаримиз ҳам ушбу байрамда иштирок этдилар. Очиқ майдонларда, уй-жой микрорайонларида, барча маданият уйлари ва клубларда Ўзбекистоннинг ижодий коллективлари ва шаҳар ҳаваскор артистлари концерт қўйишди.

Асосий тантаналар атайлаб очиқ саҳна қурилган Нягань шаҳри марказида бўлди. Ўзбекистон кунлари қатнашчиларини бу ерда нон-туз билан кутиб олдилар.

Артистлар билан бир қаторда дўстлик байрамида Ўзбекистон халқ рассоми Н. Қўзибоев, Композиторлар союзи правлениесининг секретари Р. Абдуллаев, шоир Х. Даврон, «Ёш гвардия» театрининг артисти Э. Носиров, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети профессори, лектор О. Шарафуддинов, кинооператор Ш. Мақсудов, журналистлар, ижодкор зиёлиларнинг бошқа вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар нефтчилар, геологлар, ўрмон кесувчилар ва бинокорлар билан бир неча бор учрашиб, ўз ишлари ҳақида сўзлаб бердилар, ижодий режаларини ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон кунларининг тантанали ёпилиш маросимида санъаткорлар ўз туҳфаларини армуғон этдилар. Якунловчи концертда композитор Р. Абдуллаев ёш няганликларга ўзининг янги қўшиғини тортиқ қилди. Бастакор бу қўшиқни «Турнача» болалар боғчасидаги жажжи ўғил-қизчалар билан биргаликда ижро этди. Концерт сўнггида Нягань шаҳри тўғрисида янги қўшиқ янгради. Бу қўшиқни муаллифнинг ўзи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Тошматов ва «Наво» группаси ижро этди. Меҳмонлар учун ҳам, тайгадаги шаҳарча эгалари учун ҳам бу қўшиқ ўша унутилмас учрашув кунларидан қимматли эсдалик бўлиб қолади.

ТЮМЕНЬ

— Санъатни баҳам кўрган одам кам бўлмайди, деган ҳикмат бор. Бу халқлар ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқлидир, — тюменлик рассом ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг кўргазмасини ана шу сўзлар билан очди. Бу кўргазмага юртдошларимизнинг 200 га яқин асари қўйилган эди, Тюмендаги Ўзбекистон кунларининг маданий программаси ана шу вернисаж билан бошланди. Ўзбек карнайи садолари сибирликларни рассомларимизнинг ижодий кўригига таклиф этди.

Ишчи шаҳар қиёфасига файз бахш этган бундай ажойиб воқеалар ўша кунлари кўп бўлди. Шаҳар марказидаги «Республика» кўчасида палов дамланди. Ошпаз Раҳмат Тўлаганов сибирликларни ана шу таомни татиб кўришга таклиф этди, дастурхонга Шарқ ширинликлари тортилган чойхонада Музаффар Муродов меҳмонларни кўк чой билан сийлади. Бу мутахассисларни пойтахтимиздаги «Тошкент» ресторани Сибирга сафарга жўнатган эди. «Олмос» республика бирлашмаси харидорларга Ўзбекистон эсдалик совғаларини тақдим этди, одамлар дарҳол навбатга тизилишиб, бу ёдгорлик буюмларга иштиёқманд бўлиб қолишди. Область илмий кутубхонаси биноси ёнида очилган китоб бозори расталари эса қарийб ярим километрга чўзилиб кетган эди. Бу ерда «Ўзбекистон» нашриётлари чиқарган китоблар сотилди. Навоий ва Ҳамза, замонавий шоир ва ёзувчилардан Эркин Воҳидов, Т. Пўлатов, А. Мухтор, Ў. Умарбеков асарларини, дид билан безатилган альбомлар ва болалар китобларини тюменликлар бажонидил харид қилдилар.

Ўзбекистондан қудратли авторефрижераторларда ташиб келтирилган мева ва сабзавотлар, ширин-шакар мевалар ҳам тюменликларга манзур бўлди.

Республикамиз санъат усталари, ижодкор зиёлилар вакилларининг Тюмень, шу яқин атрофдаги шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси, Сибирни ўзлаштирувчилар билан учрашувлари ана шундай файзли, тароватли кунларда ўтди.

Область филармонияси залида бўлган байрам концертида Ўзбекистон артистлари республикамиз ҳозирги санъатининг барча қирраларини намоён этдилар. Сибирь сингари улуғвор «Ассалом, Тюмень замини!» музикали-шеърий кинокомпозицияни Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов ва Қорақалпоғистон халқ артисти Р. Сапарова ижро этдилар.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг солистлари, жумладан республика халқ артисти Қ. Муҳитдинов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ш. Турсунов, М. Хўжаниёзов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Н. Алимова, Ҳ. Абдуқодиров, Ш. Тўхтабоева, Н. Семизвонкина, О. Александрова юксак классик санъатни намойиш этдилар.

Республика халқ артисти Д. Жабборова ижро этган «Топотушки» рус халқ рақси, Ўзбекистон ССР Халқ артисти Қ. Дадаев доирада ижро этган шўх куйлар, Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати А. Петровец, «Садо» группасининг чиқишлари санъат оқшомига шодлик бахш этди.

Томошабинлар ўзбек миллий санъатининг намояндалари бўлган «Зарафшон» фольклор ансамблини ва унинг раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Шукуров, республика халқ артистлари К. Раҳимов, Ғ. Ёқубов ва М. Аҳмедова, раққоса Насиба Алимовани алоҳида хушнудлик билан кутиб олдилар.

Байрам қатнашчиларининг номлари ва унвонларини шунчаки санаб ўтишнинг ўзиёқ концерт ташкилотларимиз Тюмень диёрида Ўзбекистон ССР кунларини ўтказишга нечоғлик жиддий муносабатда бўлганини кўрсатиб турибди.

Филармонияда биз кўп ҳамюртларимизни учратдик. Бу ерга қурилиш индустрияси заводини барпо этаётган, Тошкент давлат университетининг «Юрист» студентлар қурилиш отряди бутун состави билан келибди. Ҳарбий хизматни шу жойларда ўтаётган ўзбек йигитлари ҳам келишди.

— Мен ҳам бу ерда 15 йил муқаддам ҳарбий хизматда бўлган эдим, — деди Эргаш Боймуродов. — Хизматдан кейин шу ерда қолдим.

Ҳозир Эргаш «Главтюменнефтегаз» автокорхоналаридан бирида «Татра» машинасини ҳайдамоқда. Тюмень яқинидаги Траево қишлоғида яшайди. Биз у билан концертда танишиб қолдик, сўнгра вақт топиб Боймуродовлар хонадонида ҳам бўлдик. Хотини Мавлия асли сибирлик — татар. Уларнинг Марат ва Саодат деган фарзандлари ўсиб-улғайишяпти. Оила бадавлат яшаяпти.

Бу ўлкада ана шундай оилалар истисно эмас. Тюмень областидаги ҳар уч никоҳнинг биттаси турли миллат вакиллари ўртасидаги оилавий иттифоқдир. Дарҳақиқат, шоир А. Твардовский ёзганидек, «сибирликлар — қурама халқ — лекин сара халқ». Шу боисдан ҳам маҳаллий партия ва совет органлари миллатлараро муносабатларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Тюмень область партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков Ўзбекистон делегацияси аъзолари билан суҳбатда шу ҳақда гапириб берди. Мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплекси мамлакатимизда миллатлараро муомалани ривожлантиришнинг асосидир, деб таъкидлади у, барча халқлар ана шу комплексни ривожлантиришдан бирдек манфаатдордир. Тюмень области тажрибаси бу фикр тўғрилигини батамом тасдиқлаб турибди. Қисқа муддат ичида барча иттифоқдош республикаларнинг куч-ғайрати билан ноёб ёнилғи-энергетика комплекси яратилди. Мазкур комплекс Ер юзида қазиб олинаётган табиий газнинг тўртдан бир қисмини ва куррамизда қазиб олинаётган ҳар етти тонна нефтнинг бир тоннасини бермоқда.

— Бу — жаҳон экономикасида социалистик жамият куч-қудратининг яққол намунасидир, — деди Г. П. Богомяков.

Республикалар, регионларнинг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш бу алоқаларнинг хилма-хил бўлишига эришиш лозим. Бу борада катта имкониятлар бор, хўжалик юритишни тубдан қайта қуриш муносабати билан бундай имкониятлар кенгайиб бормоқда. Тюмень область партия комитетида бўлган учрашувда кўпгина қизиқарли таклифлар айтилди.

Ўзбекистон газ конларининг «таги» кўриниб қолди. Бирмунча вақт ўтганидан кейин республика ёнилғи етказиб бераётган ўлкадан ёнилғи оладиган республикага айланиб қолса керак. Ҳамонки, шундай экан, Ўзбекистонда газ қазиб олишни сал секинлаштириб, бўшаб қолаётган маблағларни Ямал ярим оролида «зангори ёнилғи» қазиб олишни кенгайтиришга сарфласа бўлмайдими? Бу ярим оролдаги газ конлари неча юз йилларга етадику? Шунга яраша, Тюмень областига газни марказлаштирилган тарзда етказиб бериш топшириғи ҳам юкланиши керак.

Ёғоч-тахта тайёрлаш ва уни қайта ишлашдаги ҳамкорлик ҳам иккала томонга катта наф бериши мумкин. Ўзбекистон сибирликларга одам юбориб ва маблағ билан ёрдам бериб, ўзини камёб қурилиш материаллари билан таъминлаши мумкин бўлур эди.

Шуни айтиш керакки, тюменликлар биз ҳал қилишга бел боғлаган муаммоларни жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистон учун йиғма мева қуритгич қурилмалар, меваларни қайта ишлаш учун зарур бўладиган бошқа ускуналар тайёрлаб беришни таклиф этишди. Бу харажатларнинг қопланиши учун сибирликларга кўпроқ мева-чева, сабзавот етказиб бериш керак бўлади.

Регионларимизда бир-бирига ўхшаш муаммолар бор. Масалан, иккала ўлкада ҳам туғилиш кўп. Тюменликлар мактабгача тарбия болалар муассасаларини жадал қуриш, улар учун кадрлар тайёрлаш тажрибаси хусусида сўзлаб беришди. Бу ерда қисқа муддат ичида бир неча олий ва ўрта педагогик билим юрти очилди, ўрта мактабларда педагогика синфлари ташкил қилинди. Яна бир муҳим янгилик ҳам бор. Нижневартовск шаҳридаги ўнта энг йирик корхона меҳнат коллективларининг кенгашлари ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, уч ёшгача бўлган болаларга ойига қўшимча 150 сўмдан нафақа тўлаш ҳақида қарор чиқардилар. Бу маблағлар планга қўшимча олинган фойдадан ажратилади. Демак, оналарга юқоридан янги имтиёзлар берилишини кутиб ўтирмасдан ўзимиз чорасини топсак ҳам бўлар экан. Ахир, серфарзанд оилаларга осон тутиб бўлмайдику.

Тюмень заминидаги байрамнинг ҳар бир кунида ўнлаб ва юзлаб учрашувлар бўлди. Ишбоши бўлган кишилар ўзбекистонлик меҳмонлар кўпгина меҳнат коллективлари ҳузурида бўлишларига ҳаракат қилдилар. Ўзбекистонликлар кўплаб корхоналар: мис ускуналари ва асбоблари заводи, «Главтюменгазпром», «Главтюменгеология», «Главсибтрубопроводстрой» ташкилотлари, жун-газлама комбинати, кемасозлик заводи ва «Нефтемаш» корхонаси, авиация корхонаси, «Сибниигазстрой»га боришди. 1825 йилги декабрь қўзғолони қаҳрамонлари, Россиянинг кўпгина революцион арбоблари сургун қилинган жой — Ялуторовск шаҳарчасига сафар айниқса эсда қолди. Шаҳардаги аҳолининг ҳаммаси — барча ёшу қари қуёш чарақлаб турган якшанба куни эрта билан декабристлар ўрмони деб аталган оқ қайинзорга Ўзбекистон санъат усталари билан учрашувга келди. Кичикроқ очиқ саҳнада катта концерт бўлди, ҳар бир ашула ва рақсни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди... Тюмень области журналистлари билан учрашув Ўзбекистон ССР кунларининг расмий программасига кирмаган эди. Аммо «Тюменская правда» газетасининг редактори В. Горбачев янги ўн қаватли редакция корпусининг меҳмонхонасида бўладиган суҳбатга лутфан таклиф этганида биз жон деб рози бўлдик. Сибирлик ҳамкасбларимиз шоир Б. Пак, композитор А. Мансуров, Ўзбекистон китоб савдоси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Х. Файзиев, Ўзбекистон телевидениеси ахборот программасининг бош редактори А. Тожиев ва Ўзбекистон делегациясининг бошқа аъзоларидан республикамиздаги ишлар тўғрисида обдон сўраб-суриштиришди. Ўз регионидаги муаммоларни ҳам тилга олишди. Муаммолар эса жуда кўп. Тюмень энергетика комплексини ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида йўл қўйилган катта хатолар ўлка иши самарадорлигини пасайтириб юбормоқда. Социал соҳада ҳам кўп иш қилиниши керак. Матбуот, ижодкор зиёлиларнинг жамият ишидаги роли ва таъсири ҳозирги вақтда беқиёс ўсди. Биз имкониятга яраша ишлаяпмизми — ҳамкасблар ана шу асосий масалани муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ССРнинг Тюмендаги кунлари бу саволга қисман жавоб берди. Хайриятки, бу гал яқин ўтмишдаги тадбирларга хос бўлган дабдабабозлик ва тантанаворлик бўлгани йўқ. Ўзбекистон вакиллари қардош республика меҳнаткашлари ҳузурида, она юртидан нарида меҳнат қилаётган ўз ватандошлари ҳузурида ижодий ҳисобот бердилар. Фестивалдан кутилган мақсад ҳам худди ана шу эди. Кўнгил кўнгилдан сув ичиб, ширин суҳбатлар қурилди, саҳна билан томошабин ўртасидаги масофа яқинлашди, Тюмень диёрида бўлган дўстлик байрамининг энг асосий хосияти ана шундадир. Шу боисдан ҳам байрам байрамдек бўлди, деб дангал айта оламиз.

Б. ҲАСАНОВ,
И. ХИСОМОВ,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.
НЯГАНЬ—ТЮМЕНЬ

Редактор
Д. ҚАЮМОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ:

САФАР ОЛДИДАН

«Помир» ва «Динамо» (Ставрополь) футболчилари турнир жадвалининг биринчи ва иккинчи поғоналарида келишяпти. Бу коллективларнинг ўйин услуби мухлисларга маъқул тушмоқда. Помирчилар 26 учрашувда бор-йўғи икки марта мағлубиятга учрашган. Динамочилар эса биринчи давра ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, кучлилар сафидан ўрин олиб турипшибди.

Пахтакорчилар учун иккинчи давра ўйинлари ўзига хос синов. Бор имкониятдан фойдаланилса бултурги натижадан кўра кўпроқ ютуққа эришиш мумкин. Ставрополь динамочилари билан ўйиндаги ғалаба бу фикрни исботлайди.

«Пахтакор» кеча ўз майдонида Оржоникидзе шаҳрининг «Спартак» командасини қабул қилди. Коллективларнинг турнир жадвалидаги ўринларига назар ташлаймиз: майдон эгалари 30 очко билан олтинчи ўринда, спартакчилар эса 25 очко билан ўн иккинчи ўринда боришаётир. Биринчи лигада эмас, олий лигада ҳам командалар ўзаро куч синашганлар. Ўшанда пахтакорчилар спартакчиларни икки бор енгишган.

Сафаролди учрашувини ўз мухлислари ҳузурида ўтказган пахтакорчилар ишончни оқлаш мақсадида майдонда ҳаракат қилдилар. Ўйин 1:0 ҳисобида «Пахтакор» фойдасига тугади.

Пахтакорчилар бу ўйиндан сўнг яна сафарга отланишади. Улар 29 август куни «Шинник», 1 сентябрда эса «Таврия» футболчиларининг меҳмони бўлишади.

ШАХМАТ:

ЧЕМПИОНЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Бутуниттифоқ ўсмирлар II ёзги ўйинлари қизғин тус олаётир. Республикамиз вакиллари бу кўрикда қувонарли якунларни қўлга киритишмоқда.

Ульянов области Дмитровград шаҳрида бўлган шахмат мусобақаси республика терма командаси аъзоларининг ғалабаси билан якунланди. Шахматчи қизларимиз — наманганлик М. Курмаева, самарқандлик Ш. Раҳматуллаева ва тошкентлик Н. Репрун чемпионлик унвонига сазовор бўлдилар.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

● Тинглaнг, томоша қилинг

25 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ.I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 3-серия. 10.10 — Ҳужжатли фильмлар. 10.40 — Мультфильмлар. 11.15 — Фидойи шахслар. 12.00 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Қурмонғози номли Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти. 17.40 — Мультфильм. 18.00 — Музикали хазина. 18.35 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.20 — Дунё воқеалари. 19.40 — 1988 йил қўшиқлари. 19.55 — Назария масалалари. 20.25 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Останкино сарой-музейида музикали ёз. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.10 — Ўн йилликлар фондига портрет.

МТ.II 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Қалбга яқин қўшиқлар. 9.55 — Мультфильм. 10.30 — Испан тили. 11.00 — Москва бўйлаб саёҳат. 11.20 — Болалар учун фильм. 12.30 — Испан тили. 13.00 — «Ёввойи ит» Бадиий фильм. 14.15 — Янгиликлар. 14.25 — Фильм-концерт. 15.20 — «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Бадиий фильм. 3-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Қишлоқ янгиликлари. 19.45 — Ритмик гимнастика. 20.15 — Баянчилар дуэти чалади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Тоғли Қримнинг кузги бўёқлари. 20.55 — Виолончель ва оркестр учун концерт-симфония. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Дадамга қандай ёрдамлашиш керак?» Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.05 — «Петров ва Васечкинларнинг оддий ва ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 17.20 — «Абитуриент-88». 18.00 — Мультфильмлар. 18.20 — Ҳинд куйларини Жая Бисвас ижро этади. 19.00 — Мўйқалам ва ҳайкалтарош қалами билан давр ва ўзим ҳақимда. 19.30 — Дала, ҳовли юмушлари. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концерт. 22.55 — «Қутлуғ қон». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.40 — «Ўғирланган». Бадиий фильм. 21.20 — Реклама. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Д. Назриев куйлайди. 22.55 — Телефильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Кўнгил таронаси. 9.30 — А. Султонов куйлайди. 9.45 — Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Адабий эшиттириш. 13.00 — Малши. 13.30 — М. Пахоменко ва Э. Хиль куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Тенгдошларинг куйлайди. 18.15 — Совет кишиси чет элда. 18.30— Концерт. 19.20 — Юность Узбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Элга хизмат — олий ҳиммат. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.45 — Кекса ижрочилар куйлайдилар. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

СОВХОЗЛАР, КОЛХОЗЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Давлат агросаноат комитетининг «АГРОПРИБОР» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли

ЎРТА ОСИЁ МАХСУС КОНСТРУКТОРЛИК ТАЖРИБА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲА-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ

мураккаб бўлмаган замонавий бино ва иншоотлар қурилиши майдончаларига боғлиқ бўлган ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини, турар жой ва жамоат бинолари, агрохимия ва биология лабораториялари, минерал ўғитлар сақланадиган омборларни реконструкция ва капитал ремонт қилиш ишчи-лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш

ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ

Буюртмалар қуйидаги адресга юборилсин: 700144, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 415-уй. Телефонлар: 64-36-27, 64-37-87.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

31 августгача кечки ва сиртқи факультетларнинг барча ихтисосликларига

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Справкалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 45-алоқа бўлими, Оборонная кўчаси, 1-уй, қабул комиссияси. Телефон: 99-05-56.

●

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

Тошкент шаҳрида пропискада бўлганларни «Главташкентстрой»нинг

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИГА

минорали кран машинисти вазифасига

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй.

«Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали редакцияси коллективи ва редакция ҳайъати журнал бош редактори ўринбосари З. Ёқубовга онаси

Рухсора
ҚОСИМХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри коллективи театр актёри Ф. Аҳмедовга отаси

Турғун
АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва партия ташкилоти сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти А. Шариповга онаси

Файзилат
ШАРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р — 17631. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. 194. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12